

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ, ТАРИХ
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
14.07.2016. ТАР.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ МАРКАЗИ**

СУЛТОНОВ ЎКТАМБЕК АБДУЛҒАНИЕВИЧ

**ТОШКЕНТ ВАҚФ ХЎЖАЛИГИДА
АНЪАНАЛАР, ИСЛОҲОТЛАР ВА МУАММОЛАР (XVI–XX АСР
БОШЛАРИГА ОИД ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАР АСОСИДА)**

07.00.07 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Султонов Ўктамбек Абдулганиевич.
Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI–XX аср
бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида) 3

Султонов Уктамбек Абдулганиевич.
Традиции, реформы и проблемы в вакфном хозяйстве Ташкента (на основе
исторических документов XVI – начала XX вв.) 31

Sultonov Uktambek Abdulganievich.
Traditions, reforms and problems in the Tashkent waqf economy (on the basis of
historical documents XVI - early XX centuries)
61

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications 88

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ, ТАРИХ
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
14.07.2016. ТАР.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ МАРКАЗИ**

СУЛТОНОВ ЎКТАМБЕК АБДУЛҒАНИЕВИЧ

**ТОШКЕНТ ВАҚФ ХЎЖАЛИГИДА
АНЪАНАЛАР, ИСЛОҲОТЛАР ВА МУАММОЛАР (XVI–XX АСР
БОШЛАРИГА ОИД ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАР АСОСИДА)**

07.00.07 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2016 йил

3

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.09.2014/В2014.3-4.Таг32
рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон
Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида
(<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи Бабаджанов Бахтиёр Мираимович
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Исоқов Мирсодиқ Мирсултонович
тарих фанлари доктори, профессор

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори

Флориан Шварц
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент ислом университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи
масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий
фанлар илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ
қўлёзмалари маркази ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016. Таг.01.06 рақамли

илмий кенгашнинг 2016 йил «___» «_____» соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади.
(Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй. Асосий бино, 2 қават. Мажлислар зали.
Тел: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон
Миллий университети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри,
Университет кўчаси 4-уй. Асосий бино)

Диссертация автореферати 2016 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2016 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Маврулов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Х.Э. Юнусова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Б. Шадманова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д.

4

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятининг интеграциялашув жараёнида Ўзбекистон инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган тамаддун бешикларидан бири сифатида тан олинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб миллий давлатчилик тарихи ҳамда бой маданий-маънавий меросни чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Масаланинг бир муҳим жиҳати шундаки, ислом дини минтақадаги бир минг уч юз йиллик тарихи давомида халқимизнинг қадриятлари ва урф-одатларига сингиб кетди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А. Каримов тўғри таъкидлаганидек, «... биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз»¹. Шундай қадриятлардан бири вақф институти бўлиб, Ўзбекистонда у 1928 йилда тугатилган. Лекин у тарихий-маданий қадрият ва ўтмишимизнинг ажралмас қисми сифатида тадқиқ этилиши, ўрганилиши лозим. Чунки давлатчилик, таълим, ижтимоий ҳимоя, ободончилик, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий тизим ўтмишда вақф мулкчилиги билан бевосита боғлиқ бўлган.

Бугунги кунда Ўзбекистон тарихини асл манбалар асосида тадқиқ этиш тарих фанининг энг долзарб вазифаларидан бирига айлангани маълум. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон

Республикаси академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда республика академик илм-фани ва олий таълимнинг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2204-сон Қарорига мувофиқ ЎЗР Фанлар академияси таркибидаги Шарқшунослик институти негизида Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлғемалари маркази ташкил этилди². Қарорда шарқ қўлғемалари билан бир қаторда тарихий ҳужжатларни тадқиқ этиш ва илмий муомалага киритишга алоҳида эътибор қаратилган. Албатта бу бежиз эмас. Чунки бир неча ўнлаб турдаги тарихий ҳужжатлар давлатчилик, ижтимоий иқтисодий муносабатлар тарихи ҳамда маданий-маънавий ҳаёт масалаларини ўрганишда муҳим тарихий-ҳуқуқий манба саналади.

Тошкент шаҳрининг ЮНЕСКО томонидан 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-828-сонли Қарори³ Тошкент тарихига бағишланган тадқиқотларни янги босқичга олиб чиқди. Шу билан бирга тарихчиларга мавзуга оид янги манбаларни ⁻¹ Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда ва юрагимизда. «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 5.

² Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами. 2014 йил, 32-сон. 396-модда.

³ Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссасининг юксак эътирофи. Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси // Халқ сўзи. 2007 йил, 23 февраль; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. 2008 йил, 4-сон, 223-модда; 11-сон, 618-модда.

5

муомалага киритиш, Тошкент тарихининг очилмаган масалаларини ёритиш каби бир қатор вазифаларни ҳам юклади.

Шу нуқтаи назардан диссертацияда бажарилган тадқиқот иши Ўзбекистон тарихидаги долзарб муаммалардан бирини очиб бериш ҳамда Республика ҳукумати томонидан белгиланган юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Ўрта Осиёда вақф (хайрия қилинган мол-мулк) мавзусига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг еткчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Нью-Йорк университетининг Яқин Шарқ тиллари ва адабиёти департаменти, Принстон университетининг Яқин Шарқ тадқиқотлари департаменти (АҚШ), Мартин Лютер университетининг Исломшунослик институти, Рур-Бохум университетининг Шарқшунослик ва исломшунослик семинари (Германия), Отемон-Гакуин университетининг Осиё тадқиқотлари департаменти (Япония), Торонто университетининг Яқин

ва Ўрта Шарқ цивилизациялари департаменти (Канада), Австрия фанлар академияси Эроншунослик институти (Австрия), Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёмалари маркази ва Тарих институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда Ўрта Осиё вақф хўжалиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: Хожа Аҳрор (1404-1490) вақф хўжалиги фаолиятининг иқтисодий-ижтимоий асослари исботлаб берилган (Нью-Йорк университети, АҚШ), XVI–XVII асрларда шаҳарлар ҳаёти ва тарихий топографияси вақфномалар асосида очиб берилган (Принстон университети, АҚШ); XIX–XX аср бошидаги Бухоро ҳудудида юритилган вақфномаларнинг хусусиятлари очиб берилган (Мартин Лютер университети, Германия), Хива хонлигида пул вақфларининг ўсиш сабаблари асослаб берилган (Рур-Бохум университети, Германия); Алишер Навоий (1441-1501) ва Хожа Муҳаммад Порсо (1348-1420) асос солган вақфларнинг маданий ҳаёт ривожига ўрни очиб берилган (Торонто университети, Канада); Ўрта Осиё вақфномаларинг якуний қисмини тузиш анъаналари илмий асослаб берилган (Отемон-Гакуин университети, Япония); Туркистон ўлкасида вақф хўжаликларининг ижтимоий-ҳуқуқий муаммолари сабаблари очиб берилган (Эроншунослик институти, Австрия).

Ўрта Осиёда вақф хўжалиги тарихига оид қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: вақф хўжалигини бошқаришнинг ташкилий асосларини очиб бериш, пул вақфларидан

⁴<http://www.nyu.edu>, <http://www.princeton.edu>, <http://www.uni-halle.de>, <https://www.ruhr-uni-bochum.de>, <https://www.otemon.ac.jp>, <https://www.utoronto.ca>, <http://www.oeaw.ac.at>

фойдаланиш, вақф институтининг иқтисодий ва маданий ҳаёт ривожига таъсири.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вақф муаммосига бағишланган тадқиқотларни мантиқан икки йўналишга бўлиш мақсадга мувофиқ. Биринчи йўналиш вақф мулкчилигининг назарий муаммоларига бағишланган тадқиқотларни ўз ичига олади. Ушбу туркумга кирувчи тадқиқотлар бевосита Ўрта Осиё вақф мулкчилигига бағишланган бўлмаса да, ҳанафий мазҳабига мансублик ёки географик яқинлик сабабларига кўра мавзунинг назарий муаммоларини қиёсий ўрганиш ва ҳулосалар чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Ў. Қрчмарикнинг ҳанафий мазҳаби ҳуқуқ тизимидаги вақф масаласига бағишланган йирик мақоласида мавзу ушбу мазҳабнинг йирик фақиҳлари асарлари асосида ўрганилган⁵. Б. Йохансеннинг вақф мулкчилигини ҳам қамраб олган ер солиғи ва ижара масаласига бағишланган тадқиқоти ҳам худди шундай назарий аҳамиятга эга⁶. Ф. Кўпрулу, Ў. Шахт, К.С. Энн Ламбтон, М. Гил, Н. Оберауер каби тадқиқотчилар илк вақф мулкларининг шаклланиши ва уларнинг ҳуқуқий мақомини ёритишга ҳаракат қилганлар⁷. Шунингдек, К.М. Шатцмиллер, А. Лайиш вақфнинг хайрия (*вақфи хайрий*) ва вақф қилувчи авлодлари

фойдасига ажратилган (*вақфи авлодий*) турларини⁸, К. Вернер, Х. Гербер, М. Хоукстер вақф мулкларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини⁹, Ж.Е. Мандавил ва М. Чизакча эса пул вақфларининг¹⁰ шаклланиши масалаларини ўрганган.

Тадқиқотларнинг иккинчи йўналиши бевосита Ўрта Осиёда вақф мулкчилиги тарихига бағишланган. Бу туркумдаги тадқиқотлар вақф муаммосига ёндашув нуқтаи назаридан тўрт гуруҳ – колониал давр (А.Л. Кун, В.П. Наливкин, В.Л. Вяткин ва бошқ.), совет даври (П.П. Иванов, О.Д. Чехович, Р.Н. Набиев, Р.Г. Мукминова, З.А. Кутибоев, Ғ.А. Жўраева, А. Шайхова), мустақилликдан кейинги давр (Ғ.А. Жўраева, О. Жалилов, И.А. Алимов, С.Д. Болтабоев, Б.Б. Маллабоев ва бошқ.) ҳамда хорижий (Р.Д. Мак

⁵ Krcsmárik J. Das Waqfrecht vom Standpunkte des Šari'atrechtes nach der ḥanafitischen Schule // Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft. Band 45. – Leipzig, 1891. Қайта нашр: – Wiesbaden, Lessing Druckerei, 1968. – S. 511-576.

⁶Johanson B. The Islamic Law on Land Tax and Rent: The Peasants' Loss of Property Rights as Interpreted in the Hanafite Legal Literature of the Mamluk and Ottoman Periods. – London-New York-Sydney, 1988. – 143 p. ⁷Köprülü F. Vakıf müessesesinin hukukî mahiyeti ve tairihî tekâmülü // Vakıflar dergisi. Sayı II. – Ankara, 1942. – S. 1-33; Schacht J. Early Doctrines on Waqf // 60. Doğum Yılı Münasebetiyle Fuad Köprülü Armağanı. – Istanbul, 1953. Қайта нашри: – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basımevi, 2010. – P. 443-452; Lambton Ann K.S. Awqaf in Persia: 6th–8th/12th–14th Centuries // Islamic Law and Society. 1997. – №4-3. – P. 298-318; Gil M. The Earliest Waqf Foundations // Journal of Near Eastern Studies. Vol. 57. No.2. 1998. – P. 125-140; Oberauer N. Early Doctrines on Waqf Revisited: The Evolution of Islamic Endowment Law in the 2nd Century AH // Islamic Law and Society. No 20/1-2. 2013. – P. 1-47.

⁸Shatzmiller M. Islamic Institutions and Property Rights: The Case of the «Public Good» Waqf // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Vol. 44. No 1. 2001. – P. 44-74; Layish A. The Family Waqf and the Shar'ī Law of Succession in Modern // Islamic Law and Society. Vol. 4. No 3. 1997. – P. 352-388. ⁹Werner C. An Iranian Town in Transition. A Social and Economic History of the Elites of Tabriz, 1747-1848. – Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2000. – 419 p.; Gerber H. The Public Sphere and Civil Society in the Ottoman Empire // The Public Sphere in Muslim Societies. – State University of New York, 2002. – P. 65-82; Hoexter M. The Waqf and the Public Sphere // The Public Sphere in Muslim Societies. – P. 119-138.

¹⁰Jon E. Mandaville. The Cash Waqf Controversy in the Ottoman Empire // International Journal of Middle East Studies. Vol. 10. No 3 (Aug.). 1979. – P. 289-308; Çizakça M. Cash Waqfs of Bursa, 1555-1823 // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Vol. 38. No 3. 1995. – P. 313-354.

Чесней, Е.М. Сабтелни, Жо-Энн Гросс, Ф. Шварц, П. Сартори, И. Кеньичи, Ф. Райхмут) нашрлардан иборат.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-Ф1-027

«Марказий Осиё халқлари ёзма меросини ўрганиш: манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида Тошкент вақф хўжалигининг анъаналари, ўтказилган ислоҳотлар натижалари, муаммолари ва уларнинг сабабларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланган: Ўрта Осиёда вақф муносабатлари тарихига доир тадқиқотларни таҳлил қилиш ва умумий хулосалар бериш;

Тошкент вақф хўжалигига оид тарихий ҳужжатларнинг сақланиш ҳолати, миқдорини аниқлаш ҳамда минтақа ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида янги маълумот берувчи ҳужжатларни илмий муомалага киритиш;

ўрганилаётган ҳудуд вақф мулкчилигига оид тарихий ҳужжатларнинг палеографик ва дипломатик хусусиятларини тадқиқ этиш;

вақф мулкчилигига оид тарихий ҳужжатларнинг юзага келиш сабаблари, функцияси ва ишлаш механизмини ёритиб бериш;

Тошкент тарихий-маданий ҳудудининг XVI–XIX асрлардаги ижтимоий сиёсий аҳволи ва маъмурий-ҳудудий ҳолатини тадқиқ этиш; ўрганилаётган ҳудудда қозихоналар фаолиятини тадқиқ этиш, хонликлар даври ва колониал даврдаги ўзгаришларни очиб бериш;

авлодий ва хайрий вақф мулкларининг кўрсатилган даврлардаги ҳолати, бошқарув анъаналари, иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш шакллари ва бу масалага оид ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини ёритиш;

колониал даврда вақф соҳасида олиб борилган ислохотлар ҳамда унинг натижасида юзага келган ички ва ташқи муаммоларни тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объектини Тошкент тарихий-маданий ҳудуди вақф хўжалиги ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети қилиб Тошкент вақф хўжалиги тарихи, трансформацияси ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида микротарих (*microhistory*), просопографик (*prosopography*), қиёсий таҳлил (*comparative analysis*) ва статистик таҳлил (*statistical analysis*) каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

8

тарихий ҳужжатларнинг палеографик ва дипломатик хусусиятлари трансформацияси, жумладан ҳужжатлар қоғози, ёзув турлари, ҳужжат тили ва матн тузилиши хусусиятлари очиб берилган;

вақф соҳасидаги қонунчилик актларининг юзага келиш сабаблари, уларнинг функцияси ва вақф хўжалигини тартибга солишдаги аҳамияти аниқланган;

Тошкент ҳудудида XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб вақф қилинадиган экин ерларнинг майдалашиши ва қисқариши вақф асосчиларининг ижтимоий таркибидаги ўзгариш билан боғлиқлиги ҳамда бу жараён 1867 йилдан кейин ер вақф қилишнинг чекланиши натижасида кучайгани аниқланган;

вақфномаларнинг статистик таҳлили асосида Туркистон ўлкасида вақф мулклари тафтиш қилинган ва қаттиқ назорат ўрнатилган 1887 йилдан сўнг

Тошкент худудида янги вақфлар ташкил этиш кескин камайгани исботланган;

Тошкент вақф хўжалигида Ўрта Осиёнинг бошқа худудларидан фарқли равишда савдонинг байи жойиз, яъни мулкни гаров эвазига сотиш тури амалиётда қўлланилмагани, пул вақф қилиш ҳамда вақфи авлодий мулк турлари Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидагидек оммалашмагани асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Тадқиқотда Тошкент вақф хўжаликларининг XVI–XX аср бошига оид 167 та вақфнома (мулкни вақф қилганлик ҳақидаги ҳужжат), 62 та байи бот (олди-сотди), 60 та ҳукм (кўрилган масала бўйича қозилар чиқарган қарор), 42 та ривоят (ҳуқуқий масала бўйича уламолар фатвоси), 39 та хатти иқрор (маълум бир масалада иқрор бўлиш), 28 та хатти ижара (ижара битими), 6 та хатти ваколат (ўз номидан вакил тайинлаш), 3 та хатти даъво (даъво ҳужжати) ҳамда 72 та қонунчилик актлари (фармон, ёрлиқ, маншур, нишон, ҳукмнома, иноятнома, муборакнома ва бошқ.) аниқланган;

Тошкент тарихининг ёзма манбаларда акс этмаган XVI–XIX асрлардаги маъмурий бошқаруви, ер эгалиги, тарихий топографияси, меъморий иншоотлар ва уларнинг локализацияси ҳамда тарихий шахслар фаолиятига аниқлик киритувчи тарихий ҳужжатларнинг маълумотлар базаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тошкент вақф хўжалиги тарихи уларга тегишли қонунчилик актлари, қозихона ҳужжатлари ва колониал давр иш юритиш тизимига оид ҳужжатлар асосида тадқиқ этилгани билан асосланади. Ҳужжатларнинг биринчи гуруҳи бевосита Тошкент тарихий-маданий худудига тегишли ҳужжатлар бўлиб, улар Тошкент¹¹,

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (бундан кейин – ЎЗРМДА). И-1, И-17, И-36, И-47, И-164, И-336, И-362-366, Р-34, Р-2678-фондлар; Шарқ қўлёзмалари маркази (бундан кейин – ШҚМ). Тарихий ҳужжатлар. 20-йиғма жилд; 71-йиғма жилд, 508, 511-ҳужжатлар; 72-йиғма жилд, 516-ҳужжат; 75-йиғма жилд, 521-ҳужжат; Ривоятлар. ШҚМ. Қўлёзма 9530. – 70 в.; Мажмуаи маҳзароти форсий. ШҚМ. Қўлёзма 6102. – 814 в.; Кўкча қозилари дафтари. ШҚМ. Қўлёзма 6361. – 144 в.; ген.-губ. М.Г.Черняев саволларига комиссиялар жавоби. ШҚМ. Қўлёзма 1644/II. – 70 в.; Тошканд шаҳри қозилари рапортлари (1901 й.). ШҚМ. Қўлёзма 6113. – 131 в.; Ўзбекистон тарихи давлат музейи фонди (ЎзТДМФ). Тарихий ҳужжатлар. №№1-14 ва 22-83-ҳужжатлар.

Самарқанд¹², Санкт-Петербург¹³ шаҳарларидаги давлат муассасалари ва шахсий коллекциялардан ўрин олган. Иккинчи гуруҳини эса танланган муаммони қиёсий ўрганиш ва хулосалар беришда фойдаланилган Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ҳамда Фарғона водийси худудларига тегишли тарихий ҳужжатлар ташкил этади¹⁴.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўрта Осиёда вақф мулкчилиги тарихига методологик ёндашувлар ҳамда вақф муносабатлари бўйича назарий хулосаларни мукаммаллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда давлатчилик тарихи, маънавиятни ошириш, маданий мерос объектларини

тадқиқ этиш ва таъмирлашга бағишланган мақсадли давлат дастурларини бажарилишини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

диссертация натижалари Марбург университетида (Германия) бажарилаётган форс тилли тарихий ҳужжатлар тадқиқига қаратилган «Asnad.org» лойиҳасида Ўрта Осиё ҳудудига тегишли ҳужжатларнинг онлайн базасини яратишда фойдаланилган (Марбург университетининг 10.06.2016 йилдаги хати). Жумладан, Тошкент ҳудудига мансуб ўндан ортиқ ҳужжатларнинг илмий тавсифи ва электрон матни проектнинг интернет сайтига жойлаштирилган (asnad.org). Дастур Ўзбекистонда сақланаётган тарихий ҳужжатлар тадқиқини халқаро миқёсда оммалаштириш, шу йўл билан тарихий меросимизни хорижда тарғиб қилишга хизмат қилган;

Тарих институтида бажарилган ФА-Ф8-043: «XIX асрнинг сўнги чораги – XX аср бошларида Бухоро ва Хива хонликлари тарихи» (2007-2011 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада вақф мулкчилигига оид ҳужжатларнинг ҳуқуқий-тарихий манба сифатидаги аҳамиятини асослашда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 27.07.2016 йилдаги ФТҚ-0313/489-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши хонликлар даври қонунчилик актлари ва қозихона ҳужжатларини ҳамда Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий ҳаётида вақф мулкчилиги ўрнини кенгроқ ёритиш имконини берган;

Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган 9 та архитектура ёдгорлиги бўйича олинган илмий янгиликлар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги таркибидаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан

¹² Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси (бундан кейин – Самарқанд М-Қ). Тарихий ҳужжатлар. №№511, 976, 1115, 1116, 1119, 1124, 1129 ва бошқ. ¹³ Кун А.Л. Личный архив / Архив востоковедов. Институт восточных рукописей РАН. Санкт-Петербург. (бундан кейин – Кун А.Л. Личный архив.). Фонд 33, оп. 1, д. 174, 175.

¹⁴ ШҚМ. Тарихий ҳужжатлар. 1-17, 20-35, 39-86-йиғма жилдлар; ШҚМ. Ҳ. Сулаймонов фонди. Тарихий ҳужжатлар. 1766, 1769, 3320-йиғма жилдлар; Ривоятлар. ШҚМ. Ҳ. Сулаймонов фонди. Қўлёзма 353/І. – 81 в.; ЎзРМДА. И-1, И-18, И-19, И-47, И-125, И-126, И-323, Р-2678 фондлар; Ўзбекистон Миллий университети нодир асарлар музейи фонди (бундан кейин – ЎзМУМФ). Тарихий ҳужжатлар. Қўлёзма В09/315. – 138 в.; Жунг (Бухоро). ЎзМУМФ. Қўлёзма В09-307/ІІ. – 270 в.; Мир Муҳаммад мунший. Жомеъ ал-иншо. ЎзМУМФ. Қўлёзма В09/256/І. – 71 в.; Самарқанд М-Қ. Тарихий ҳужжатлар. №№1072, 1077, 1078, 1113-1123 ва бошқ.; Кун А.Л. Личный архив. Фонд 33, оп. 1, д. 160, 165, 196; Российская Национальная библиотека. Санкт-Петербург (бундан кейин – РНБ). Фонд 940, д. 5, 7, 9, 123, 126; Фонд 1236, д. 50, 58.

фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг меъморий обидаларнинг паспорт-маълумотлар базасига киритилган (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 25.03.2016 йилдаги 01-11-08-1670-сонли хати). Янги маълумотлар тегишли архитектура ёдгорликларини ишончли фактлар асосида таъмирлаш, уларнинг ҳаққоний тарихини тарғиб қилиш ва минтақада туризм соҳасини янада ривожлантиришга хисса қўшган;

тадқиқот натижалари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада масжид ва мадрасалар тарихини ёритишда фойдаланилган (Дин ишлари бўйича қўмитанинг 17.06.2016 йилдаги 3383-сонли хати).

Хусусан, Тошкент шаҳри ва вилоятидаги қадимий мадраса ва масжидларнинг ҳақиқий тарихини асл манбалар асосида ёритиш ва уларнинг расмий интернет сайтларини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 20 та илмий конференцияда, жумладан 7 та халқаро конференция: «Problems of the Study of the Doctrine and Legacy of Khoja Ahmad Yasavi» (Туркистон/Қозоғистон, 2008), «Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда» (Тошкент, 2009), «Social History of Modern Central Asia. A Focus on Arabic script Documents 18th-20th centuries» (Халле/Германия, 2009), «Uluslararası Hoca Ahmed Yesevi Sempozyumu» (Истанбул/Туркия, 2010), «31-st German Congress of Oriental Studies» (Марбург/Германия, 2010), «Источниковедение и историография стран Азии и Африки» (Санкт-Петербург/Россия, 2011), «Проблемы дипломатики, кодикологии и актовой археографии» (Москва/Россия, 2012) ва 13 та республика илмий амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 62 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 13 та мақола жумладан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 255 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси,

натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўрта Осиёда вақф мулкчилиги тарихшунослиги ва тарихий ҳужжатлар тадқиқининг назарий муаммолари**» деб номланган биринчи боби муаммонинг тарихшунослиги, мавзуга оид тарихий ҳужжатларнинг сақланиш ҳолати ҳамда уларнинг палеографик ва дипломатик таҳлилига бағишланган. Биринчи параграфда мавзунинг тарихшунослиги

таҳлил қилинган. Таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиёда вақф мулкчилиги бошқа ислом ўлкаларига нисбатан анча кам ўрганилган¹⁵. Лекин ўтган давр мобайнида бажарилган ишлар мақсад ва вазифаларига қараб турлича. Шу сабаб диссертациясида мавзуга оид тадқиқотлар тўрт гуруҳга - колониал давр, совет даври, мустақиллик даври ва хорижий тадқиқотларга ажратилган ҳолда ўрганилиб, хулосалар берилди. Биринчи гуруҳдаги тадқиқотлар илмий характерда бўлса-да, уларнинг муаллифлари (А.Л. Кун, Н.П. Остроумов, В.П. Наливкин, В.Л. Вяткин) ўз ишларини колониализм, қисман рус ориантализми мафкураси доирасида бажарган. Бу гуруҳдаги муаллифларнинг бир қисми вақф масаласига оид статистик фактларга эътибор қаратган (П.И. Хомутов, А. Москальцев, П.В. Благовещенский, М.Н. Ростиславов, А.П. Хорошхин ва бошқ.). Уларни боғлаб турувчи ягона омил ўлкада вақф тизимидаги мавжуд бўлган муаммоларни «ижобий» ҳал этишга қаратилган уриниш эди.

Иккинчи гуруҳдаги тадқиқотлар 1918-1928 йиллардаги вақф ислоҳоти муаммоларини ҳал этиш тадбирлари билан бошланди (В.Л. Вяткин, П.П. Иванов). Жиддий тадқиқотлар эса XX асрнинг иккинчи ярмидан археография, дипломатика ва медиевистика йўналишида бажарилди (О.Д. Чехович, Р.Г. Мукминова, З.А. Қутибоев, Р.Н. Набиев, Б.А. Қозоқов, А. Шайхова, Ғ.А. Жўраева ва бошқ.). Шунингдек, Ўрта Осиёда вақф мулкчилиги мавзусида собиқ иттифок республикаларида ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди (О.Г. Большаков, Ж.З. Бунятов, Т.Б. Гасанов, Е.А. Давидович, В.К. Шуховцов, А. Кушматов).

Мустақиллик йилларида вақф мавзуси мазмун ва кўлами анча кенгайди (Ғ.А. Жўраева, О.Ҳ. Жалилов, И.А. Алимов, С.Д. Болтабоев, Б.Б. Маллабоев, Ҳ. Тўраев, Э.Э. Каримов ва бошқ.). Натижада вақф йўналишига оид маълумотлар базаси хонликлар даври тарихий ҳужжатлари ва Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарув йилларига оид материаллар ҳисобига бойиди. Бироқ тадқиқотлар даврий жиҳатдан XIX–XX аср боши билан чегараланиб қолди.

Хорижлик тадқиқотчилар эса мўғулларгача ва Темурийлар Темурийлар даври вақф муносабатларига (М. Хадр, Э.К. Босворт, Е.М. Сабтелни, Жо-Энн Гросс), XVI–XIX асрлар вақф мулкчилигининг ижтимоий ва маданий маънавий ҳаётдаги ўрни (Р.Д. Мак Чесней, Ю. Паул, Д. ДеУиз, Ф. Шварц, Л. Стейси) ва вақфномалар муаммоларига (Ф. Райхмут, И. Кеньичи) эътибор қаратганлар. Бир қатор ишлар вақф муносабатларининг 1867-1928 йиллардаги

¹⁵ Қаранг: Hoexter M. Waqf Studies in the Twentieth Century: The State of the Art // Journal of the Economic and Social History of the Orient. 1998. Vol. 41. – №4. – P. 473-495.

трансформацияси ва ҳолати мавзуида чоп этилган (П. Сартори, Н. Пианчиола, Д. Ярошевский, С.Н. Абашин, П.П. Литвинов, Т. Велсфорд, Б. Пенати). Ушбу бобнинг иккинчи параграфида ЎзР Марказий давлат архиви, Шарқ қўлёзмалари маркази, Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва РФА Шарқ

қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) фондлари ҳамда ўндан ортиқ шахсий коллекциялардан ўрин олган Тошкент вақф хўжаликларига тегишли тарихий ҳужжатларнинг сақланиш ҳолати тадқиқ этилди. Иш жараёнида мазкур фондлардан ўрин олган Тошкент ҳудудига тегишли 3000 дан ортиқ араб алифбосида, форс ва туркий тилларда битилган тарихий ҳужжатлар ўрганилди. Натижада бевосита Тошкент вақф хўжаликларига алоқадор бўлган йигирмага яқин турдаги XVI–XX аср бошига оид 700 дан ортиқ ҳужжатлар саралаб олинди. Ишда 167 та вақфнома, 62 та байи бот, 60 та ҳукм, 42 та ривоят, 39 та хатти иқдор, 28 та хатти ижара, 6 та хатти ваколат, 3 та хатти даъво ҳамда 72 та қонунчилик актлари (ёрлиқ, маншур, нишон, ҳукмнома, иноятнома, муборакнома), шунингдек, колониал даврга оид ариза (122), рапорт (44), маълумнома (17), тилхат (12), иттифоқнома (7), ҳисобномаи мутавалли (7), рўйхат (7) ҳамда бир неча ўнлаб ижозатнома, шаҳодатнома, волост ва уезд бошлиқлари буйруқлари махсус ўрганилди.

Ўрта Осиёда араб алифбосидаги тарихий ҳужжатларининг палеографик хусусиятлари Кичик Осиё ёки Эрон ҳудудида амалда бўлган аналогларига нисбатан деярли ўрганилмаган. Аслида, ҳужжатларни ўрганишда аввало уларнинг палеографик ва дипломатик таҳлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқ¹⁶. Бундай ёндашувнинг мусулмон дипломатикасида ҳам самарали эканлиги Л. Фекете, Ҳ. Буссе, М. Гронке, Г. Ҳерманн тадқиқотларида асосли тарзда ўз исботини топган¹⁷. Шу сабабли мазкур бобнинг учинчи параграфида мавзуга оид тарихий ҳужжатларнинг палеографик (ташқи) ва дипломатик (ички) хусусиятлари махсус ўрганилди. Мазкур хусусиятлар юзасидан тўғри хулоса чиқариш ҳужжатнинг қайси давр ёки ҳудудга мансублигини, турини аниқлашнинг муҳим воситаларидан биридир. Тарихий ҳужжатларнинг ташқи белгилари дейилганда унинг қоғози, ўлчами, сиёҳи, хат тури, тили ҳамда муҳрлари назарда тутилади. Ўрганилган ҳужжатларнинг қоғозлари таҳлиliga қараганда, XVI–XVIII асрларда Ўрта Осиёда шунингдек, Тошкентда асосан Самарқанд, Бухоро ва Ҳиротда ишлаб чиқарилган маҳаллий қоғозлардан фойдаланилган. XIX аср иккинчи чорагидан қўқон қоғози, XIX асрнинг 60 йилларидан эса европа фабрика қоғозларидан фойдаланиш оммалашган.

¹⁶ Тарихий ҳужжатларни палеографик ва дипломатик хусусиятларини алоҳида таҳлил қилиш илк бор Ж. Мабильон (XVII аср) томонидан қўлланилган. Қаранг: Duranti L. *Diplomatics: New Uses for an Old Science* (I) // *Achivaria*. 28 (Summer). 1989. – P. 13.

¹⁷ Fekete L. *Einführung in die Osmanisch-Türkische Diplomatie der Türkischen Botmässigkeit in Ungarn*. – Budapest, 1926. – S. X–XXIII; Fekete L. *Einführung in die Persische Paläographie*. 101 persische Dokumente. – Budapest, 1977. – S. 15–62; Busse H. *Untersuchungen zum Islamischen Kanzleiwesen. An Hand Turkmenischer und Safawidischer Urkunden*. – Kairo, 1959. – S. 1–77; Busse H. *Untersuchungen zum Islamischen Kanzleiwesen. An Hand Turkmenischer und Safawidischer Urkunden*. – Kairo, 1959. – S. 1–77; Gronke M. *Arabische und persische Privaturkunden des 12. und 13. Jahrhunderts aus Ardabil (Aserbeidschan)*. *Islamkundliche Untersuchungen*. Band 72. – Berlin Klaus Schwarz Verlag, 1982. – S. 3–81; Hermann G. *Persische Urkunden der Mongolenzeit. Text und Bildteil*. – Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2004. – S. 5–42.

Ҳужжатларнинг ўлчамлари даврга ёки уларнинг турига, эгаларининг мавқеига қараб турлича бўлган. Жумладан, XVI–XIX асрлар ёрлиқлари катта, нишон, ҳукм ва иноятнома унга нисбатан кичик ўлчамда бўлган. Юқори

табақа вакилларига тегишли XVI–XVIII асрлар вақфномалари ўрама шаклида бўлган. XIX асрдан вақф қилишда ўртаҳол аҳоли ҳиссасининг ортиши сабабли уларга тегишли вақфномалар ҳам оддий ва кичик ҳажмда тузила бошланган. Ривоят ҳужжати ўлчами эса аксинча, XIX аср ўрталарига келиб аввалги даврдан 2-3 баробар катталашди. Бу ушбу ҳужжат таркибий қисмидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

Тарихий ҳужжатлар таҳлили асосида сарой девони ва қозихоналарда амалда бўлган хат турлари хусусиятларига оид бир қатор хулосаларга келинди, жумладан, араб ёзуви тараққиёти таъсирида XVI асрдан бошлаб амалда бўлган девоний, насх ва сулс хати ўрнини секин аста настаълиқ хати эгаллади. XVII аср охирига келиб сарой ва қозихоналар ҳужжатларини тузишда настаълиқ хати амалда бошқа хат турларини сиқиб чиқарди. Лекин турли сабабларга кўра, жумладан сарой девонхонасидаги тартиб қоидалар ва котибларнинг ташаббусига кўра сулс, девоний ва шикаста хатида битилган ҳужжатлар ҳам учраб туради¹⁸. Бу ҳолат ноёб ҳодиса бўлмай хат тури алмашинувини бошидан кечирган бошқа минтақалар мисолида ҳам кўзга ташланади¹⁹. XIX асрдан бошлаб тез ёзилувчи настаълиқ хатига тўлиқ ўтилган.

Шайбонийлар (1500-1599) даврида бошқа уделлардан фарқли равишда Тошкентда қонунчилик актлари туркий ва форсий тилларда, қозихона ҳужжатлари эса форсий тилда юритилган. Бу ўша даврда Тошкент саройида туркий тилнинг мавқеи бошқа минтақаларга нисбатан анча юқори бўлгани билан боғлиқ. Аштархонийлар (1599-1747) ва Қўқон хонлиги (1709-1876) даврида эса сарой ва қозихоналарда ҳужжатлар форсий тилда тузиладиган бўлди. 1865 йилдан сўнг маҳаллий аҳоли ва давлат идорлари ўртасидаги воситачи тил сифатида аҳолининг катта қисми сўзлашув тили бўлган туркий (ўзбек) тили танланди. Бироқ қозихоналарда туркий тилга ўтиш осон кечмади. Чунки бу тур ҳужжатларда асрлар давомида шаклланган араб-форс тилидаги атамаларнинг туркий эквивалентини тез муомалага киритиш имконсиз эди. Шу сабаб қозихона ҳужжатларини тузишда яна билингвизм юзага келди.

Мухр ва тамғалар ҳужжатларнинг ҳуқуқий тасдиғи сифатида муҳим. Мухрлар репертуаридаги маълумотлар ёзма манба сифатида ҳам илмий аҳамиятга эга. Диссертацияда вақф мулкчилигига оид ҳужжатларда учрайдиган ҳукмдорлар, ҳокимлар ва турли мансаб эгалари, қозихона амалдорлари мухрлари тасвирлари ҳамда тамғалар ўрганилди. Уларнинг трансформацияси, даврий хусусиятлари ва фойдаланиш анъаналари бўйича хулосалар берилди.

¹⁸ ШҚМ. 59 йиғма жилд, 89-ҳужжат; 29-йиғма жилд, 38-ҳужжат; ЎзРМДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 32663-иш. – 1- варак; Самарқанд М-Қ. 1129-ҳужжат.

¹⁹ Busse H. Untersuchungen zum Islamischen Kanzleiwesen. – S. 28.

назарда тутилган. Мутахассислар Ўрта Осиё ҳужжатларини уч асосий қисмга (бошланғич, асосий ва хотима қисмлар) бўлишни илгари сурган²⁰. Лекин асосий қисмдан ўрин олган экспликацион (лат. *explicatio* – тушунтириш) матнлар, уларнинг қўлланилиш анъаналари эътибордан четда қолган. Экспликацион матнлар Қуръони карим, ҳадис ва шеърлардан олинган бўлиб, диссертацияда уларнинг функцияси ва фойдаланиш анъаналари очиб берилди. Жумладан, Қуръони карим оятлари ва ҳадислар тузилаётган ҳужжатни ислом ақидаси нуқтаи назаридан асослашга, кучайтиришга хизмат қилган. Масалан, Ўрта Осиё вақфномаларида мўмин кишининг вафотидан кейин ҳам тўхтаб қолмайдиган учта амал - садақайи жория, фойдали илм ва солиҳ фарзанд ҳақидаги ҳадис тахминан XVI асрдан бошлаб (эхтимол ундан олдинроқ) мустаҳкам ўрин олган. Бу ҳадис дастлаб барча, XIX асрдан эса асосан масжидларнинг вақфномаларида қўлланилган. Юқори табақа вакилларига тегишли вақфномаларнинг муқаддима қисмида келтирилган байт ва мисралар эса ҳужжатни адабий-бадий жиҳатдан бойитиш билан бирга панд-насиҳат функциясини ҳам бажарган. Тахминан Темурийлар давридан вақфномаларни тузишда иккита шеър жуда кенг оммалашган. Улардан биринчиси:

*Nigār-i man ki ba maktab na-raft wa khaṭṭ na-nawisht,
Ba ghamza-yi mas 'alaāmūz ṣad mudarris shud.*

Бу байт XV асрга оид Ишратхона ва Хожа Ахрор вақфномаларида учрайди²¹. У кейинги даврда асосан мадрасаларнинг вақфномаларида қўлланилган (Тошкентда Исобек додхоҳ, 1836 й.; Исахўжа қозикалон, 1847 й.; Фозилбек дастурхончи, 1855 й.; Мирзо Аҳмад қушбеги, 1857 й. вақфномаларида). Мазкур байт Ҳофиз Шерозий (1325-1390) қаламига мансуб бўлиб, унда Муҳаммад пайғамбар (сав) назарда тутилган.

Иккинчи шеър форс-араб тилида бўлиб, икки муаллифга тегишли: *Khaima-yi uns ma-zan bar dar-i īn kuhnah rabāʿ*²².

*Innamā al-dunyā fanā 'un laysa li-d-dunyā thubūtun,
Innamā al-dunyā ka-bayti nasjatahu al- 'ankabūt.*

Биринчи қисмдаги форсий мисра таниқли мутасаввиф шоир Хожа Кермоний (1280-1352) қаламига мансуб. Бу мисранинг алоҳида келиш ҳолатлари ҳам бор. Араб тилидаги байт эса анча машхур бўлиб, унинг халифа Али (тахм. 600-661) қаламига мансублиги айтилади²³. Тилга олинган икки шеър биргаликда ёки алоҳида шаклда Тошкентдан ташқари, XVIII-XIX асрларда Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиги ҳудудларида тузилган вақфномаларда ҳам кузатилади²⁴. Панд-насиҳат мазмунидаги қуйидаги байт ҳам XIX асрда Ўрта Осиё вақфномаларини тузишда кенг фойдаланилган:

²⁰ Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатики // Народы Азии и Африки. 1969. – №6. – С. 81; Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Т.: Узбекистан, 1987. – С. 56.

²¹ ШҚМ. 72-йиғма жилд, 516/1, 515-ҳужжатлар.

²² Тўлиқ шакли: *Khaima-yi uns ma-zan bar dar-i īn kuhnah rabāʿ, Ki asāsash hama bī mawqī' wa bī bunyād ast.* ²³ Амир ал-мўминин Али ибн Абү Толиб. Девон. (Нашр жойи кўрсатилмаган). 1988. – Б. 30. ²⁴ Али Хоразмий. Жавоми ал-Алия. ШҚМ. Қўлёзма 9138. – 59а-варак; ШҚМ. 4-йиғма жилд, 5-ҳужжат; ЎЗРМДА. 19-фонд,

*Ḥayyāt-i rūzgār ba bālā-yi hīch kas,
Pīrāhanī na-dūcht ki ū-rā qabā na-kard.*

Ушбу байт машхур шоирлар Ҳоконий (1121-1190) ва Шамси Табризий (тахм. 1185-1248) девонларидан айрим ўзгартиришлар билан олинган²⁵. О.Д. Чехович байи бот ҳужжатларининг Бухорода протокол (кириш) қисми билан, Фарғона водийсида эса объектнинг тавсифи билан бошланишига эътибор қаратган. Унинг фикрича, XVII асрдан Фарғонача услуб Бухоронинг айрим турдаги ҳужжатларига ҳам ўтган²⁶. Бироқ вақфнома ва байи бот ҳужжатларига нисбатан билдирилган бу мулоҳаза баҳсли. Аввало бу ўзгариш дастлаб қайси ҳудудда бошланиб сўнг қаерга тарқалганини аниқлаш мушкул масала. Чунки О.Д. Чехович назарда тутган биринчи услуб XVIII аср охирига қадар Бухородан ташқари, Тошкент, Кеш, Самарқанд, Хоразм ҳудудларида кўплаб учрайди²⁷. Тошкент қозихонасида XVIII аср охири XIX аср биринчи чорагида тузилган байи бот ҳужжатлари матнида ҳам айрим ўзига хослик кўзга ташланади. Бу ҳужжатнинг юқори қисмида муҳр учун бўш жой қолдириш ва асосан ўша ерга муҳр босилиши билан боғлиқ²⁸. XVIII аср охири ва XIX аср бошида Ўрта Осиё қозихона ҳужжатлари яна бир қанча таркибий ўзгаришларни ҳам бошидан кечирди. Хусусан, XVII–XVIII аср вақфнома ва байи бот ҳужжатларининг ўнг томон хошиясида ёки охирида ушбу битимнинг саҳиҳлиги ҳақида далил келтирилган ривоятнинг ёзилиши, мажлис иштирокчилари исмларининг ҳужжат сўнгига алоҳида қайд қилиш каби анъаналар XIX асрга келиб қўлланилмай қўйди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тошкент тарихий-маданий ҳудуди ва маъмурий бошқарув тизимига оид ҳужжатлар**» деб номланади. Унинг биринчи параграфида Тошкент тарихий-маданий ҳудудининг XVI–XIX асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихи, маъмурий ҳолати нарратив манбалар ва тарихий ҳужжатлар асосида ўрганилган. Ўрганилган манбалардаги маълумотлар таҳлилига қараганда, айнан Тошкент воҳасининг қулай географик ва стратегик минтақада жойлашганлиги Тошкент мулкани бошқарган Суюнчхўжахон ибн Абулхайрхон (1503-1509, 1512-1525) ва унинг авлодлари учун катта имкониятлар берган. Суюнчхўжахондан сўнг унинг ўғиллари Келди Муҳаммад султон (1525-1533) ва Наврўз Аҳмад – Бароқхон (1533-1551), Бароқхоннинг ўғиллари Дарвишхон (1551-1579) ва Бобо султон (1579-1582) волийлик қилди. Тошкентнинг ўша даврдаги ноиби «*Тошканд подишоҳи*» ва «*Тошканд волийси*» деб тилга олинган²⁹. Тадқиқот жараёнида Тошкент мулки бу даврда марказий (Тошкент, Шохрухия), шимолий (Ясси, Сигноқ, Саброн, Сайрам) ҳамда шарқий (Ахси, Андижон) ҳудудлардан ташкил топгани ўша давр қонунчилиқ актларидаги аниқ фактлар асосида ёритиб берилди. Аштархонийлар даврига келиб Тошкент мулки маъмурий -²⁵

Ҳоконий: *Ḥayyāt-i rūzgār ba bālā-yi hīch kas, Pīrāhanī na-dūcht ki ākhīr qabā na-kard.*

Табризий: *Ḥayyāt-i rūzgār ba bālā-yi hīch mard, Pīrāhanī na-dūcht ki ān rā qabā na-kard.*

²⁶ Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатики. – С. 82.

²⁷ Жавоми ал-Алия. – 59а-варақ ва бошқ.; ЎЗРМДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 32601-иш; 164-фонд, 1-рўйхат, 15-иш. –

бирлик сифатида ҳудудий жиҳатдан анча қисқарди. Бу даврда Тошкент ҳокими бўлган шахзодалар Тошкент шаҳри ва вилояти, баъзан Ясси/Туркистонни ўз ичига олган ҳудудни бошқарган.

XVIII аср иккинчи ярмида Тошкентдаги сиёсий-иқтисодий инқироз, Юнусхўжанинг (1787-1803) мустақил Тошкент давлати, Тошкентнинг Қўқон хонлиги давридаги маъмурий-ҳудудий ҳолатидаги ўзгаришлар ҳам алоҳида тадқиқ этилди. Жумладан, XVIII аср охирида Шохрухия вилояти ўрнида Қурама вилояти шаклланди. Бу вилоятда 24 та қалъа бўлиб, улар орасида Керовчи вилоят ҳокими қароргоҳи вазифасини бажарган³⁰. Вилоят таркибида Облиқ, Тилав, Тама, Бўка каби қалъалар ҳам бўлиб, уларга ҳам ҳокимлар тайинланган. Туркистон, Чимкент, Авлиёота ва Оқмасжид Тошкент мулкининг шимолий сарҳадларидаги маъмурий бошқарув марказлари бўлиб, уларнинг ҳокимлари хон ёки Тошкент ҳокими тарафидан тайинланган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфида Шайбонийлар (1500-1599), Аштархонийлар (1599-1747), Манғитлар (1747-1920) ва Минглар (1709-1876) сулолалари ҳукмдорлари ҳамда маҳаллий ҳокимлар томонидан вақф маъмуриятларига берилган ёрлиқ типидagi ҳужжатлар қонунчилик акти сифатида тадқиқ этилди. Ёрлиқ типидagi ҳужжатлар номи остида сўз, фармон, ёрлиқ, ҳукмнома, парвонча, нишон, маншур, муборакнома ва иноятнома каби ҳужжатлар тушунилади. Л. Фекетегга кўра, бу ҳужжатлар араб (ҳукм, амр), форс (фармон, нишон, парвона) ва туркий (сўз, ёрлиқ, буйруқ) тилларда турли номланса-да, мазмунан ва вазифаси айнан бир хил³¹.

Тошкент вақф хўжаликларига оид XIX асргача бўлган ёрлиқ типидagi ҳужжатлар кам учрайди. Лекин бу уларнинг ўша вақтда бўлмагани билан боғлиқ эмас. Чунки колониал маҳкама маъмурлари томонидан Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврига тегишли кўплаб ёрлиқлар мазмуни ёзиб олинган. Масалан, Тошкентда Шайх Зайниддин бобо мазорининг мазмуни ёзиб олинган 14 ҳужжатнинг 10 таси, Тўйтепадаги Иброҳимшайх мазори ёрлиқларининг 15 таси, Паркентда Бобо Мочин мазорига тегишли ҳужжатларнинг тахминан 37 тасини XVI–XVIII асрларга оид ёрлиқ типидagi ҳужжатлар ташкил этган³². XVI–XVIII асрларга оид сақланиб қолган қонунчилик актлари Абдуллахон (1583-1598), Имомқулихон (1611-1641), Субхонқулихон (1681-1702), Убайдуллахон (1702-1711), Шохмуродбий (1785-1800) ҳамда маҳаллий ҳокимлар тарафидан берилган. Қўқон хонлиги даври учун эса Норбўтабий (1763-1798) ва Умархондан (1809-1822) Султон Сайидхонгача (1863-1865) бўлган барча хонлар ҳамда Тошкент ва Қурама ҳокимларидан берилган ёрлиқ ва иноятномалар кўплаб сақланган. Улар асосан қуйидаги функцияларни бажарган:

- 1) маълум бир объектнинг (ер, сув ва бошқа турдаги мулклар) вақфлиги қонунийлигини эътироф этиш;
- 2) вақф мулкларини солиқ ва мажбуриятлардан озод қилиш;

3) мутавалли (вақф мулки бошқарувчиси) тайинлаш, унинг ваколат ва вазифаларини белгилаш;

4) вақф даромади тақсимотини белгилаш.

Учинчи параграфда эса Тошкентнинг 1865-1917 йилларда, колониал бошқарув йилларидаги маъмурий ва иш юритиш тизими ҳужжатлари икки даврга бўлиб ўрганилган. Биринчиси 1865 йил 12 февралда, Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида ташкил этилган Туркистон вилояти (1865-1867) ҳарбий губернатори М.Г. Черняев (1828-1898) маҳкамасига тегишли. Вақф хўжаликларига берилган фармон, буйруқ ва қарор мазмунидаги бу даврга оид ҳужжатлар форс ва туркий тилларда ёзилиб, М.Г. Черняевнинг шарқона муҳрлари билан тасдиқланган. Бу даврда Тошкент қозикалони Ҳакимхўжа эшон (ваф. 1870) ҳам катта ваколатларга эга бўлган. У вақф хўжаликларига тегишли ҳужжатларни баъзан М.Г. Черняев билан биргаликда, баъзан ўз номидан чиқарганлиги аниқланди.

Иккинчи даврга оид ҳужжатлар 1867 йил 11 июлда ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлиги (1867-1917) давлат маҳкамаларига тегишли. Мазкур ҳужжатлар вақф маъмуриятининг генерал-губернатор, вилоят губернатори, Тошкент шаҳри ва уезд бошлиқлари, даҳа қозилари билан ўзаро мулоқотини, давлат идораларининг вақф мулкчилигига муносабатини акс эттиради. Шунингдек, бу даврда вақф мулкчилигига оид айрим тарихий ҳужжатлар мазмунан қайта шаклланди, янги турлари юзага келди. Хусусан, аввал ҳам мавжуд бўлган ариза ҳужжати (арзадошт), рус (европа) иш юритиш тизими ва маҳаллий анъаналар қоришувида янгича мазмун ва шакл касб этди. Ариза, арзнома, арз каби номлар билан юритилган бундай ҳужжатлар маъмурий идораларнинг барча бўғинларида энг кўп учрайдиган ҳужжат турига айланди. Улар одатда уч ижтимоий тоифа – вақф ишини юритувчи (мутавалли ва унинг вакили), вақф хўжалигидан иқтисодий манфаатдор гуруҳ (воқифнинг авлодлари, мударрис ва талабалар, имом, муаззин) ҳамда вақф мулкидан фойдаланувчи (ижарачи, коранда) тарафидан юқорида тилга олинган мансабдорлар номига битилган. Ушбу бўлимда колониал даврга оид турли ижтимоий қатлам вакиллариининг келишуви акс этган иттифоқнома, қозилар рапортлари, вақф мулклари рўйхатлари, ҳисобномаи мутавалли (даромад ва чиқим ҳақидаги ҳисобот) каби ҳужжатлар ҳам махсус ўрганилди. Натижада колониал даврда вақф соҳасида мавжуд бўлган муаммолар, уларнинг сабаблари ва ҳал этилиш жараёни ёритиб берилди.

Диссертациянинг «**Вақф муносабатларига оид қозихона ҳужжатлари: таркиби, функцияси ва ишлаш механизми**» номли учинчи бобида асосий эътибор вақф мулкчилигига алоқадор қозихона ҳужжатлари турлари, уларнинг функцияси ва ишлаш механизмини ёртишга қаратилган. Биринчи

параграфда аввало қозихона ҳужжатларини чиқарувчи Тошкентдаги қозихоналар фаолияти қози ва муфтийларни тайинлаш ҳақида ёрлиқлар, колониал давр иш юритишга оид ҳужжатлари ҳамда сфрагистик материаллар асосида тадқиқ этилди. П. Сартори томонидан Тошкент қозиларини тайинлаш

18

ҳақидаги 1821-1864 йилларга оид 6 та ёрлиқ асосида қозилик мансаби ва уларнинг реал ваколатлари ва иш кўриш принциплари ҳақида ўз фикрларини билдирган³³. Диссертацияда катта миқдордаги сфрагистик материаллар ҳамда Қўқон хонлари ва Тошкент ҳокимларининг Тошкент қозиси ва муфтийларини тайинлаш ҳақидаги 1810-1864 йилларга оид 15 та ёрлиқ аниқланиб, ўрганилди. Натижада Тошкент шаҳри ва вилоятида қозилар иерархияси, юрисдикцияси ва канцелярияси, аълам ва муфтийларнинг ваколат ва вазифалари борасида аввалги тадқиқотчиларнинг ишларига қўшимча аниқликлар киритишга муваффақ бўлдик. Маълумотлар таҳлилига қараганда, Тошкент шаҳри ва вилоятида алоҳида қозикалон, қози ал-қуззот, қози ва қози аскар фаолият юритган. Баъзан уларга раис ва садр мансаблари ҳам қўшиб берилган. Уларнинг аниқ ваколоти ва юрисдикцияси хон ёки ҳоким тарафидан белгиланган. Қозилар ҳузурида муфтийлар ва уларга бошчилик қилувчи аълам фаолият юритган.

1867 йилдан кейин, Туркистонда қозилик тизимида ислохот ўтказилиб, уларнинг уч йиллик сайлов тизими жорий этилган³⁴. Шу билан бирга 1867 йилдан сўнг Тошкентнинг Себзор, Шайхонтахур, Бешёғоч ва Қўкча даҳаларида мунтазам иш олиб боровчи тўрт қози маҳкамаси шаклланди. Яна бир янгилик қозихоналарда доимий юритилиб бориладиган акт ва ҳукм дафтарларининг жорий қилиниши эди. 1870 йилда Ҳакимхўжа қозикалон вафотидан сўнг қозикалон мансаби бекор қилинди. 1884 йилда Туркистонда мусулмонлар диний бошқарувини ташкил қилиш Комиссияси таклифига кўра, Тошкент шаҳрида (Ниезбек ва Занги ота волостлари билан) тўрт қози ҳамда Қурама уездида жами ўн бир қози тайинланди. Ҳар бир қозига бир аълам ва икки муфтий хизмат қилиши белгиланган³⁵. Кейинроқ уларнинг бир вақтнинг ўзида мударрис, мутавалли каби вазифаларни бажариши таъқиқлаб қўйилди³⁶. Коллегиал характердаги қозилар съезди таркиби эса Тошкент шаҳрида даҳа қозиларидан, уездда волост қозиларидан иборат бўлган. Унга қозилар орасидан сайланадиган садрнешин раислик қилган. Тошкент шаҳридаги қозилар съезди ҳафтада икки марта, Тошкент уездида бир ойда тўрт марта мажлис ўтказган.

Мазкур бобнинг иккинчи ва учинчи параграфларида мавзуга оид вақфномалар ва бошқа турдаги қозихона ҳужжатлари алоҳида тадқиқ этилди. Жумладан, тадқиқотда бевосита диссертация мавзусига алоқадор бўлган 167 та вақфнома (асл ва кўчирма нусхалар) ўрганилиб, уларнинг 129 таси Тошкент шаҳрига, 38 таси Тошкент вилоятига тўғри келиши аниқланди. Уларнинг сони XIX асрнинг 80 йилларидаги вақфномалар сонига анча яқин. Масалан, генерал-губернатор девонхонаси амалдори П.В. Благовещенский

1887 йилда Тошкент шаҳри ва уезди вақфномаларини тафтиш қилиш чоғида

33

Sartori P. Behind a Petition: Why Muslims' Appeals Increased in Turkestan under Russian Rule // *Asiatische Studien / Études Asiatiques*. LXIII/2. 2009. – P. 7-8.

34 Sartori P. Judicial Elections as a Colonial Reform. The Qadis and Biys in Tashkent, 1868-1883 // *Cahiers du Monde russe*, 49/1, Janvier-mars. 2008. – P. 79-100.

35 ЎзРМДА. 1-фонд, 11-рўйхат, 326-иш. – 46об, 48об-49-варақлар.

36 ЎзРМДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 14938-иш. – 1-1об-варақ.

19

шаҳарда 109 та, уездда 94 та вақф хужжатини қайдга олган³⁷. Шаҳар ҳудудига тегишли вақфномалар ўртасидаги фарқ катта эмас (129 га 109). Ўртадаги фарқ 1887 йилдан кейин тузилган ўнга яқин вақфномалар ҳисобига юзага келган. Уезд ҳудудигаги вақфномалар ўртасидаги фарқ эса (38 га 94) П.В. Благовещенскийнинг ҳисоб-китобига кейинчалик Тошкент уезди таркибидан чиқарилган Хўжанд ва Бекобод хужжатлари ҳам киритилгани билан боғлиқ.

Қадимий вақфномалар орасида Хожа Ахрорнинг вафотидан олдинроқ, 1490 йилда Тошкентдаги жомеъ масжид ва мадрасага қилган вақфномаси маълум. О.Д. Чехович ушбу вақфноманинг 1533 йилги нусхасидан фойдаланган. Лекин 1875 йилги нусхасини тополмагани сабабли В.В. Бартольд асарида келтирилган матндан фойдаланган³⁸. Изланишлар вақтида ЎзРМДА фондидан ушбу вақфноманинг 1875 йилги ҳамда 1923 йилда Тошкент шаҳар вақф шўъбасида мазмуни ёзиб олинган нусхалари топилиб, қиёсий ўрганилди. Айрим қадимий вақфномалар асл нусхаларининг тақдири номаълум. Лекин XIX асрнинг 80 йилларида уларнинг қисқа таржималари ёзиб олинган. Хусусан, Шоҳ Абдумалик бобо мазорининг 1423 йилги, Бобо Мочин мазорининг 1556 йилги вақфномалари шулар жумласидандир³⁹. Шайбоний Дарвишхоннинг 1569 йилда Кўкалдош мадрасасига, 1635 йилда сўфий шоир Мавлоно Хаработийнинг (XVI–XVII асрлар) ўғли Муҳаммад Исонинг ҳамда 1657 йилда Мулла Саййид Муҳаммаднинг ўз авлодлари фойдасига ажратган мулклар вақфномаларининг эса асл нусхалари сақланган. Назарбийнинг 1653 йилда ўз авлодлари учун ажратган мулклар ҳамда Эшонгузар маҳалла масжидининг 1748 ва 1749 йилларга оид вақфномаларининг кўчирма нусхалари етиб келган.

Қўлимизда Тошкент вақфномалари катта қисмининг мавжудлиги уларнинг статистик таҳлили орқали бир қатор масалаларда ишончли хулосалар олиш имконини берди. Жумладан, жами вақфноманинг 66 таси XVI асрдан 1865 йилгача, 101 таси 1865-1917 йилларга мансуб. Уларнинг 117 таси масжид, 29 таси мадраса, 11 таси қорихона, 4 таси мазор, 2 таси хонақоҳ, 1 таси хатми хожагон (хожагон тариқатининг аввал ўтган пешволари ҳаққига ўтказиладиган хатм маросими) ва 3 таси воқиф авлодлари фойдасига ажратилган. Хатми хожагон учун алоҳида ажратилган вақф мулклари Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам кам учрайди (одатда масжидлар вақфлари ҳисобидан ўтказилган). Лекин Тошкентдаги авлодий вақфлар (атиги 2%) Бухоро ёки Хива ҳудудига нисбатан ҳаддан ташқари камлиги билан ажралиб туради. XIX асрда воқиф шартига кўра, айнан авлодлар фойдасига


ажратилган вақфлар учрамайди. Шунингдек, қайд қилинган воқиғалар аёллар кўрсаткичи (жами 8 та, 5%) ҳам қўшни ҳудудларга нисбатан жуда паст. Ваҳоланки бу даврда Усмонийлар империясида воқиғалар аёллар кўрсаткичи 25%

³⁷ Благовещенский П.В. К вопросу о вакуфах в Сыр-Дарьинской области // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. – Т.: Типо-Литография С.И.Лахтина, 1891. – С. 23. ³⁸ Чехович О.Д. Самаркандские документы XV–XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания и указатели О.Д. Чехович. – М.: Наука, 1974. – С. 43.

³⁹ ЎзРМДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 32539-иш. – 20б-3-варақлар; 32538-иш. – 25-варақ.

- 40% га етган⁴⁰. Таҳлиллардан вақф мулклари асосчиларининг ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар ҳам яққол кўзга ташланади. Воқиғалар орасида ҳукмдор ва амалдорлар 24 та (15%), эшонлар 22 та (14%), ўртаҳол аҳоли 116 та (69%), воқиғалар кўрсатилмагани 4 та (2%). Ўртаҳол аҳолининг жамоа бўлиб вақф қилиши XIX асрнинг иккинчи ярмидан ортиб борган. Бу шаҳар ва қишлоқларда кичик масжидларнинг кўпайиши ва уларнинг эҳтиёжи масжид қавми ҳисобидан қопланиши зарурати билан боғлиқ.

Диссертацияда XIX асрнинг 60-80 йиллар ўрталарида Тошкентда вақф ташкил қилиш аввалги даврга нисбатан бир неча баробар ортгани, Туркистон ўлкасида вақфларни тафтиш қилиш бошланган 1887 йилдан сўнг кескин тушиб кетгани вақфномаларнинг статистик таҳлили орқали исботлаб берилди. Бу жараён вақф қилиш кескин ортган даврдан кейинги кўрсаткичларни ҳар бир ўн йилликлар бўйича ўртача даражасини олиб қараганда яққол кўзга ташланади⁴¹. Жумладан, XIX асрнинг 30-йилларида ҳар йилга 0,8 тадан вақф қилиш тўғри келган. Кейинги ўн йилликларда ўсиш ҳолати юз берган. Масалан, шу асрнинг 40-йилларида йилига 1,5 та, 50-йилларида 2 та, 60-йилларда 3,3 та, 70-йилларида 3,4 та, 80-йилларида 4,7 та, 90-йилларида 0,2 та вақф қилиш ҳолати тўғри келган. Аслида 1880-1887 йилларда йилига 6,1 тадан вақф қилиш ҳолати юз берган. Бу ўн йилликдаги кўрсаткичнинг тушиб кетиши 1888-1889 йилларда вақф қилишнинг кескин қисқариши билан боғлиқ (икки йилда 2 та вақф) (1-расм).



1-расм. Тошкентда вақф қилиш динамикаси.

Вақф қилишнинг қисқариши бир томондан мавжуд тузумнинг ва

аҳолининг вақф мулкига бўлган муносабатининг ўзгариши билан боғлиқ. Иккинчи томондан бу жараён Россия империясидаги иқтисодий тизимдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Чунки 1871 ва 1893 йилларда Россия империясининг бошқа ҳудудларида ҳам янги вақфлар ташкил қилиш аввалги даврга нисбатан кескин қисқаргани аниқланган⁴². Хива хонлиги ва

⁴⁰ – Roded R. Quantitative analysis of Waqf endowment deeds: a pilot Project // The Journal of Ottoman Studies. IX. – Istanbul, 1989. – P. 60, 68.

⁴¹ Таҳлилга қисқа тавсифи сақланиб қолган 1833-1882 йилларга оид 8 та вақфнома ҳам киритилган. ⁴² Положение о порядке заведывания могометанскими установлениями и духовными вакуфами в Крыму. – Симферополь: Таврическая губернская типография, 1893. – С. III.

Бухоро амирлигида эса аксинча, бу даврда янги вақфлар ташкил қилиш аввалгидек давом этган.

Диссертацияда вақф қилинган мулк турларини ўрганиш асосида Тошкентда ҳам экин ерлар, боғлар ва бошқа мулклар (ҳовли, сарой, дўкон, ҳаммом, тегирмон, обжувоз) вақф учун оммабоп мулк шакллари бўлгани ўз тасдиғини топди. Вақфга ажратилган пул маблағлари тилга олинса-да, айнан пул вақф қилиш ҳолати (167 тадан 4 та) Бухоро ва Хивага нисбатан анча кам. Ф. Шварцнинг фикрича, Хива хонлигида айнан савдонинг ўсиши ва пул муомаласининг яхшиланиши пул вақфларининг ортишига туртки бўлган⁴³. Лекин Тошкентда пул вақфининг камлигини бу омиллар билан асослаб бўлмайди. Чунки Тошкент ҳатто XIX асрнинг иккинчи ярмида савдо ва саноат шаҳрига айланганда ҳам пулни вақф қилиш Хива ёки Бухородагичалик оммалашмади. Вақфномаларда икки марта китоб қилинган. Бироқ бу ҳолат минтақада китоб вақф қилиш кенг тарқалмаган деган, хулосани бермайди. Сабаби Шарқ кўлёзмалар маркази фондида сақланаётган Лашкар бекларбеги, Эшонкули додхоҳ мадрасаларига вақф қилинган китобларга қараганда, Тошкентда ҳам китоб вақф қилиш нормал даражада бўлган. Масалан, Эшонкули додхоҳ мадрасасининг асли топилмаган 1838 йилги вақфномасида бошқа мулклар билан бирга икки сандиқ (бошқа манбада 80 дан ортиқ) китоб ҳам вақф қилинган⁴⁴.

Учинчи параграфда асосий эътибор вақф хўжаликлари фаолиятида қозихона ҳужжатларининг аҳамияти ва уларнинг ишлаш механизмини аниқлашга қаратилган. Унда байи бот, хатти ижара, хатти иқдор, хатти ваколат, хатти даъво, ҳукм ва ривоят ҳужжатлари тадқиқ этилди. Жумладан, вақф ишига алоқадор байи бот (мулкни узил-кесил сотиш) ҳужжатлари мазмунига кўра қуйидагича бўлган:

1) вақф маъмурияти ўз тасарруфидаги пулга сотиб олаётган мулк ҳақидаги байи бот ҳужжатлар. Улар XIX асрнинг иккинчи ярмидан орта бошлаган;

2) вақф маъмурияти ўз тасарруфидаги мулкни истибдол (янгисини сотиб олиш ёки алмаштириш) шарти асосида сотаётган мулк ҳақидаги байи бот ҳужжатлар;

3) вақф ерларида жойлашган хусусий мулклар сотилаётгани ҳақидаги

байи бот хужжатлар.

Олди-сотди шартномасининг яна бир тури байи жойиз (бошқа номи бай ул-вафо, мулкни гаров эвазига сотиш) бўлиб, XV–XIX асрларда яратилган фикҳга оид назарий асарларда ва Ўрта Осиё қозилик хужжатларини ёзиш қўлланмаларидан доимий ўрин олган. Бу битим амалиётда айниқса Хива хонлигида жуда кенг қўлланилган. Лекин Тошкент вақф хўжаликларига тегишли байи жойиз битимларини умуман учратмадик. Хусусий мулкчиликка оид байи жойиз хужжатлари ҳам санокли. Масалан, Тошкент қозикалони фондидан ўрин олган XIX асрнинг 20-80 йилларига мансуб юзга яқин олди-⁴³ Schwarz F. Bargeldstiftungen im Chanat von Chiva, 1840-1920 // Der Islam. Bd. 80. – Berlin-New York, 2003. – S. 84.

⁴⁴ ЎзРМДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 32540-иш. – 3об-варак.

22

сотди хужжатлари орасида атиги учта байи жойиз битими аниқланди⁴⁵. Кўкча қозиларининг 1887 йилнинг январь-июль ойларида юритилган дафтарида 229 та олди-сотди битими орасида 11 та байи жойиз қайд қилинган⁴⁶. Шу даҳа қозисининг 1893 йилги дафтарида эса, мазкур йилнинг иккинчи ярмида 550 та байи бот ва 390 та байи жойиз битими кўрилган⁴⁷. Демак, Тошкентда хусусий мулк савдосида байи жойиз битимлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан секин аста ортиб борган. Бу ҳолат фақатгина иқтисодий вазият билан эмас, маҳаллий уламоларнинг фикҳдаги қарашлари билан ҳам боғлиқ. Ижара хужжатлари вақф мулкининг ижарага берилгани ҳақидаги ёзма битимдир. Тошкент вақф хўжалигига алоқадор ижара хужжатлари бошқа ҳудудларга нисбатан анча камлиги билан ажралиб туради. Масалан, 1887 йилги текширишлар давомида Сирдарё вилоятидан йиғилган вақфга тегишли 586 та хужжатдан атиги 6 таси ижара хужжати бўлган⁴⁸. Диссертацияда хонлик ва колониал даврга тегишли 28 та ижара хужжатлари аниқланиб ўрганилди. Даъво ва ҳукм хужжатлари эса вақф хўжаликларида юз берган ички ва ташқи зиддиятларнинг натижаларини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Даъво хужжати одатда вақф маъмурияти ҳамда воқиф авлодлари, вақф мулки ижарачиси баъзан бошқа жисмоний шахслар ўртасидаги зиддиятлар натижасида юзага келган. Қози ҳукмлари даъвонинг натижаси ёки эски вақфномаларнинг тикланиши, мутавалли тайинлаш ва бошқа сабабларга асосан тузилган. Сақланиб қолган ҳукм хужжатларидан келиб чиқиб, ўзаро даъволар фақатгина вақф маъмурияти фойдасига қондирилган, деган хулосага келмаслик керак. Чунки бизга аксарият ҳолатларда мутаваллиларга тегишли ҳукм хужжатлари етиб келган.

Ривоят (фатво) деб номланган хужжат муфтийларнинг бирор масаланинг ечими юзасидан берган хулосаси ва унинг исботи сифатида фикҳий асарлардан келтирилган иқтибослари акс этган расмий жавобидир⁴⁹. Тахминан Шайбонийлар давридан бошлаб қозихонага тақдим қилинган бундай хужжатлар ривоят деб номланган⁵⁰. Ривоятлар XIX–XX аср бошида энг кўп тарқалган хужжатлардан бири бўлиб, кишиларнинг кундалик турмуш тарзида тез-тез учраб турган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганишда муҳим

хужжат саналади. Бу хужжат турини ўрганиш натижасида вақф муносабатларига оид ривоятларнинг икки шакли аниқланди. Биринчи турдаги ривоят хужжатлари вақфнома, ижара, байи бот, даъво каби хужжатларнинг матни сўнгида ва ҳошияларида учрайди. Иккиламчи ўринда келган бундай ривоятлар асосий ўринда чиқарилган битимнинг (вақф, ижара, даъво, олди-сотди) шариатга мослигини асослаш функциясини бажарган. Иккинчи тури вақф хўжаликларида юзага келган турли зиддиятли масалалар

⁴⁵ ЎЗРМДА. 164-фонд, 1-рўйхат, 15-иш. 18, 15 ва 54-хужжатлар.

⁴⁶ ШҚМ. Қўлёзма 6361. – 121б, 123б, 125а-127а, 129б-140б, 142а ва 144а-вараклар.

⁴⁷ ЎЗРМДА. 364-фонд, 1-рўйхат, 29-иш. – 545-варак.

⁴⁸ Благовещенский П.В. К вопросу о вакуфах в Сыр-Дарьинской области. – С. 23.

⁴⁹ Isogai K. Seven Fatwa Documents from Early 20th Century Samarqand. The Function of Mufti in the Judicial Proceedings Adopted at Central Asian Islamic Court // Annals of Japan Association for Middle East Studies. No 27- 1. 2011. – P. 262.

⁵⁰ Қаранг: Азизон қози (Мулла Маҳмуд, XVI аср). Сиздах ганж. ШҚМ. Қўлёзма 2574/IV. – 415аб-варак.

юзасидан тузилган алоҳида ривоятлардир. Бундан ташқари, диссертацияда хатти иқрор, хатти даъво, ҳукм ва хатти ваколат хужжатлари ҳам алоҳида тадқиқ этилиб, уларнинг вақф мулкчилиги хужжатлари тизимидаги функцияси бўйича хулосалар берилган.

Диссертациянинг **«Тошкент вақф хўжалиги анъаналари, трансформацияси ва муаммолари»** деб номланган тўртинчи бобида вақф хўжаликларининг XVI–XIX асрлардаги ҳолати алоҳида тадқиқ этилди. Сабаби Тошкентнинг XIX асрдан олдинги давр вақф мулклари ҳақида аниқ бир тасаввур йўқ эди. Иш жараёнида тилга олинган давр вақф хўжаликлари фаолиятига оид бир қатор янги илмий фикр-мулоҳазалар илгари сурилди. Жумладан, Хожа Аҳрорнинг Тошкентдаги вақфлари ҳам кенгайиш ҳам қисқариш жараёнини бошидан кечиргани аниқланди. Хожа Аҳрорнинг Тошкентдаги мадрасасига қози Зиёвуддин (XVI аср) тарафидан вақф қилинган Катта Қозиработ ва Кичик Қозиработ мавзеларидаги ерлар (700 ботмон) ҳамда 1836 йилда Тошкент ҳокими Исобек додхоҳ томонидан вақф қилинган Қўруқ, Юлғунликсой, Аччи мавзеларидаги ерлар (9100 десятинадан ортиқ) кейинги асрларда вақф қилинган мулклар орасида энг йириклари бўлган. Шу билан бирга ушбу вақф хўжалиги Оҳангарон дарё хавзасидаги ерларнинг қўлдан кетиши ҳисобига қисқариб борди. Бу мулклар Хожа Аҳрорнинг кичик ўғли Муҳаммад Яҳё (ўлд. 1500) хонадонига мансуб Тошкентдаги авлодлари томонидан бошқарилган.

Шунингдек, Темурийлар, Шайбонийлар ва Аштархонийлар давридаги йирик вақф хўжаликлари минтақада XII–XVIII асрларда яшаб ўтган тасаввуф намояндаларининг мазорларига тегишли бўлгани аниқланди. Улар орасида Бобо Мочин (Бобо Муҳаммад Хутаний) ва Шоҳ Абдумалик бобо мазорлари Темурийлар даврида ҳам каттагина ерларга эгалик қилган. Аксарият тадқиқотчилар Шоҳ Абдумалик бобони Занги отанинг (ваф. 1258) бобоси деб ҳисоблайдилар. Бир қатор насабномалар ва тарихий ушжатлар тадқиқи жараёнида Занги отанинг (*Занги ота ибн Тоғжўжа ибн Абдумаликхўжа ибн*

Мансур ота ибн Арслон бобо) Шоҳ Абдумалик бобо (*Шоҳ Абдумалик бобо ибн Убайдуллоҳ бобо ибн Рашидхон ибн Бобохон ибн Амир Абдуллоҳхон - Авлиё ота*) билан қариндошлигини тасдиқловчи ҳеч бир далилни учратмадик⁵¹. Аксинча, ушбу мазорлардаги авлодий вақф мулклар *алавий* хўжаларнинг бир биридан мустақил икки хонадони томонидан бошқарилган.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Оҳангарон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимида Шоҳ Амир Фуқаро валий, Саййид Мирак валий (Шоҳ Мир Ҳусайн) ва Шоҳ Мир Ҳай валий мазорларига тегишли вақф хўжаликлари юзага келгани аниқланди. Мазкур уч ака-ука *гули сурх* саййидларидан бўлиб, улар суриялик Шоҳ Неъматуллоҳ валий (1330-1431) авлоди ҳисобланган⁵². Улардан Шоҳ Амир Фуқаро валий номи билан танилган Шоҳ Асадуллоҳ ўз даврида Махдуми Аъзам (ваф. 1542) издошларидан бўлган. Оилавий

⁵¹ Шоҳ Абдумалик бобо ва Занги ота авлодлари насабномалари. Б. Қосимхонов, С. Алави, Ж. Ҳошимов шахсий коллекциялари (Тошкент).

⁵² Саййид Мирак валий авлодлари насабномаси. С. Сиддиқов шахсий коллекцияси (Тошкент ш.). Лекин насабномаларда уларнинг келиб чиқиши турлича ёритилган.

шажараларга қараганда, Шоҳ Неъматуллоҳ валийнинг Самарқанддаги авлодлари унинг катта ўғли Саййид Халилуллоҳдан, Тошкентдаги авлодлари эса кичик ўғли Саййид Маҳмуд Гисуийдан тарқалган. XVIII асрдаги оғир сиёсий-иқтисодий даврдан сўнг ушбу мазорлар вақф маъмуриятлари Қўқон хонлари ҳомийлигида ўз вақф хўжаликларини тиклаш ва янада ривожлантиришга эришди.

Алавий хўжаларнинг *авлиё қорахоний* тармоғидан бўлган Бобохон отанинг Ўртасарой мавзеидаги мазорига тегишли вақф ерлар ҳам унинг авлодлари томонидан бошқарилган. XIX асрнинг 90 йилларида ушбу вақф мулклари назорати тошкентлик Абулқосимхон эшон (ваф. 1892) қўлида бўлган. Паркентда мазори жойлашган Парпи отанинг асл исми эса Саййид Шамсиддин ибн Саййид Алихўжа бўлиб, у тахминан XVIII асрда яшаб ўтган (келиб чиқиши аниқланмади). Парпи ота мазорига тегишли вақф ерлар ҳам авлодлиги тасдиқланган хўжалар томонидан фойдаланиб келинган.

Тошкент шаҳрининг XVI-XX аср бошларида фаолият юритган вақф субъектлари орасида Шайх Зайниддин бобо (1164-1259) ва Хожа Аламбардор (Абдулазиз боб, X аср) мазорларини кўрсатиш мумкин. Масалан, Шайх Зайниддин бобо мазори вақфларига хонадоннинг *сиддиқий* ва *сиддиқий ҳусайний* тармоғи эгалик қилиб келган. Бу масалада 1745 ва 1805 йилларда Тошкент қозихонасида ушбу жамоаларнинг авлодлик ва вақф даромадидан улуш олиш борасидаги даъволари кўрилган⁵³. Даъволарда XVI асрнинг 70 йилларида Тошкентдан Самарқандга кўчиб кетган, бевосита Шайх Зайниддин бобо авлоди бўлган таниқли яссавий шайхи Олимшайх Сиддиқий Алиободий (1564-1632) авлодлари ҳам фаол қатнашган. Айрим кишилар эса ҳокимиятдан Хожа Аламбардор авлоди экани ва вақф мулкларидан фойдаланиш ҳақидаги ҳужжатларни олишга муваффақ бўлган. Шундай ёрликлардан бири аштархоний Субхонқулихон (1681-1702) томонидан Хожа Яъқуб исмли

мутаваллига берилган.

Эътиборли томони шундаки, 1887 йилда вақф мулкларини тафтиш қилиш жараёнида Қаффол Шоший (ваф. 976), Занги ота (ваф. 1258), Шайх Умар Боғистоний (ваф. 1291) ва унинг ўғли Шайх Хованд Тахур (ваф. 1359) мазорларининг XIX асргача бўлган вақфларига оид қайдлар учрамади. Улар ҳақидаги тарихий ҳужжатлар Қўқон хонлиги даврига оид.

Тилга олинган вақф мулклари даромади белгиланган тартибда саййид ва хўжалар жамоалари ўртасида тақсимланган. Хусусан, XIX аср охирида Тошкент уездининг Хўжа ва Хонобод қишлоқларидаги 6000 десятина вақф ери Шох Абдумалик бобонинг 138 та хонадондан иборат авлодлари тасарруфида бўлган. Тошкент ташқарисида, Теватортар мавзеидаги 5000 таноб вақф ерлари даромади эса Шайх Зайниддин бобонинг 100 уйлик авлодлари ўртасида тақсимланган. Шайх Хованд Тахур авлодлари ҳисобланган *умарий* хўжалар эса *юнусхон*, *муҳаммадхўжа*, *бешбола* ва *ниёзхўжа* жамоасидан иборат бўлиб, ўзида 15 тадан 60 тагача бўлган хонадонни бирлаштирган.

⁵³ Шайх Зайниддин бобо авлодлари насабномаси. Б. Исмоилов шахсий коллекцияси (Тошкент ш.).

Тошкент шаҳрининг XVII асрдаги йирик авлодий вақф мулкларига Назарбий (1653) ва Мулла Саййид Муҳаммад (1657) томонидан асос солинган. Лекин воқифларининг авлодлари тугаши натижасида улар XIX аср биринчи ярмига қадар хайрий вақфга айлантирилган. Жумладан, Назарбий авлодларига тегишли вақф ерлар 1838 йилда воқифнинг авлодлари қолмагани сабабли Тошкент ҳокими Лашкар бекларбеги ташаббуси билан унинг Бекларбеги мадрасаси ихтиёрига ўтказилган.

Шайбонийлар даврига оид йирик хайрий вақфлардан бири Дарвишхоннинг 1569 йилда Қўқалдош мадрасаси фойдасига ажратган мулклари эди. Асл номи Дарвишхон бўлган ушбу мадрасанинг Қулбобо қўқалдош (ўлд. 1598) томонидан қурилгани ҳақидаги фикрлар асоссиз. Масалан, Дарвишхоннинг мустақил ҳокимлиги даврида Қулбобо қўқалдошнинг Тошкентда мадраса қурдириши эҳтимолдан анча узоқ. Бу амалдорнинг мавқеининг ортиши ва донаторлик фаолияти асосан XVI асрнинг 80 йилларидан бошланган. Мавжуд фактлар мадрасанинг Дарвишхон ташаббуси билан бунёд этилганини тасдиқлайди (вақфнома, бунёдкорлик фаолияти, мадрасанинг номланиши)⁵⁴. Мадраса XVIII аср бошларида катта иқтисодий қийинчиликни бошидан кечирган ва тахминан шу даврда Аччи мавзеидаги вақф ерларидан махрум бўлган. XIX асрнинг 50 йиллари охирида Чорсу бозоридаги дўкон ўринларини ижарага беришни йўлга қўйиб, ўзининг аввалги мақеини тиклаб олган.

Қўқон хонлиги даврида минтақада янги вақф хўжаликлари шаклланди. Тошкент ҳокимлари Исобек додхоҳ, Лашкар бекларбеги, Мирзо Аҳмад кушбеги, Қаноат оталиқ, Нормуҳаммад кушбеги, шунингдек, Эшонқули додхоҳ, Маҳмуд дастурхончи, Исахўжа қозикалон, Жуманбий каби айрим

амалдорлар томонидан шаҳардаги мадраса ва мазорларга ажратилган янги вақф мулклари юзага келди. Эски масжид ва мадрасаларни таъмирлаш ва янгиларини бунёд қилиб, уларга вақф мулклари ажратиш ҳисобига Тошкентда майда вақф хўжаликлари сони XVIII асрдагига нисбатан 3-4 баробар ортди. Лекин бу даврда вақф ерлари аввалги асрларга қараганда анча майдалашди. Табиий ва демографик омиллар таъсирида ердан кўра, дўкон ўринлари ва уларнинг ускунасини вақф қилиш ҳолати ортди. Бу ўринда Ҳ. Гербернинг Усмонийлар империясида шаҳарларда қишлоқларга нисбатан кичик ва ўртамиёна вақф мулкларнинг қулай ва самарали эканлиги ҳақидаги хулосаси Тошкент учун ҳам хос⁵⁵. Чунки Тошкент шаҳрида дўкон ўринлари (*рақабат ул-арз*) ва биноларидан (*ускуна*) иборат бўлган кичик ва ўртамиёна вақф мулкларнинг оммалашувининг асосий сабаби уларнинг қулайлиги (кам ҳаражат, нақд пул тушуми) эди. Бу жараён 1867 йилдан кейин Туркистон ўлкасида ўрнатилган янги қонунлар тизимида яна ҳам кучайди. Тошкент атрофида эса катта бўлмаган экин ерларни вақф қилиш давом этган. Ушбу бобнинг иккинчи параграфида Россия империясининг Туркистонда вақф соҳасида олиб борган ислохотлари ва унинг натижасида ⁵⁴ Батафсил қаранг:

Султонов У.А. К истории образования и деятельности вакфной администрации медресе Кукельдаш (XVI – начало XX в.) // Восток. – Москва, 2013. – № 5. – С. 43-45.

⁵⁵ Gerber H. The Public Sphere and Civil Society in the Ottoman Empire. – P. 75-76.

26

юзага келган муаммолар Тошкент вақф хўжаликлари мисолида ўрганилган. Ўрта Осиёни босиб олишнинг илк даврида ҳарбий юришлар билан банд бўлган империя маъмурияти вақф соҳасида катта ўзгаришлар қилишга шошилмади. Хусусан, 1865-1866 йилларда Туркистон вилояти ҳарбий губернатори М.Г. Черняев олиб борган сиёсат вақф мулкларига анча юмшоқлиги билан ажралиб туради. 1867 йилдан сўнг ўлка маъмурияти вақф соҳаси назорати ва бошқарувини «енгиллаштириш» мақсадида қатор тафтиш комиссияларини ташкил қилди. Жумладан, 1869 ва 1887 йилларда тузилган комиссиялар вақф хўжаликлари ва уларнинг ҳужжатларини тафтиш қилди⁵⁶. Тафтиш вақтида айрим вақф хўжаликларига тегишли мулклар бекор қилинди (Бароқхон, Бекларбеги, Хожа Аҳрор мадрасалари вақфлари). Аксарият хўжаликлар давлат фойдасига ундириладиган 10% миқдоридаги солиққа тортилди. Аҳоли яшайдиган вақф ерлар ҳукуқининг бекор қилиниши ва мутавалли сайловининг жорий қилиниши натижасида вақф хўжаликларида мутаваллилик, даромад тақсимооти ҳамда вақф маъмурияти ижарачилар ўртасидаги муаммолар кўпайди. Ушбу муаммолар хонликлар даврида ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг мурожаатлари асосида ҳукмдорлар ва қозиларнинг чиқарган ҳукмлари билан ҳал қилинарди. Бироқ, колониал тизим ўрнатган янги қоидалар ва «аризабозлик эркинлиги» муаммоларни бир неча йиллаб чўзилишига замин яратди (айниқса Занги ота, Шайх Хованд Тахур, Парпи ота мазорларида). Шунингдек, колониал давр учун одатий ҳолга айланган вақф хўжаликларининг ички ва ташқи муаммоларининг юзага келиш сабаблари ва ҳал этилиш жараёнлари Занги ота, Саййид Мирак валий, Парпи ота мазорлари мисолида очиқ берилди.

Мазкур бобнинг охирги параграфи вақф мулкчилигида ижара анъаналарини ўрганишга бағишланган. Ислом ҳуқуқида ижара муддати унинг турига қараб белгиланган. Ҳанафий мазҳабида вақф мулклари учун тузилган ижара битимлари икки хил – оддий (қисқа муддатли) ҳамда мураккаб (узоқ муддатли) битимларга ажратилган. Масалан вақф ҳукмида бўлган уй ва бинолар учун бир йил, экин майдонлари учун уч йилгача муддат белгиланиши мувофиқ кўрилган⁵⁷. Вақф мулклари ижарасини бир йилдан уч йилгача қилиб белгилаш дастлаб Ўрта Осиёда, IX асрда юзага келган⁵⁸. Бундан мақсад вақф мулкчининг унда ишловчи ижарадорлар томонидан ўзлаштириб олинишига йўл қўймаслик эди. Қисқа муддатли ижара битимларда бир неча ойдан уч йилгача бўлган муддат назарда тутилган. Ўрганилган ижара ҳужжатлари таҳлилига қараганда, Тошкентда узоқ муддатли ижара битимининг икки шакли - *ижарайи тавила* ҳамда *ижарайи истехкор* тури амалда бўлган.

Ижарайи тавила айрим фақиҳлар тарафидан жойиз эмас, деб топилган бўлса-да, кейинчалик хусусий ва вақф мулкларини кўп йиллик ижара битими сифатида оммалашган. Шу сабаб уч йилдан кўп муддатга тузилган битимлар ижарайи тавила сифатида қаралган. Хива хонлиги ва Усманийлар —⁵⁶

Благовещенский П.В. К вопросу о вакуфах в Сыр-Дарьинской области. – С. 22.

⁵⁷ Krcsmárik J. Das Waqferecht vom Standpunkte des Šari‘atrechtes nach der ḥanafitischen Schule. – S. 565.

⁵⁸ Johansen B. The Islamic Law on Land Tax and Rent. – P. 34.

27

империясида узоқ муддатли ижара битимларининг, ҳар йили янгилаб туриш шарти билан 70, 80 ва 90 йилга тузиш кенг тарқалган⁵⁹. Лекин Тошкентда вақф мулкни ижарага беришда 30 йилгача бўлган муддатнинг белгилаб олиниши эътиборни тортади. Масалан, Эшонқули додхоҳ мадрасасининг 1860 йилги, Маҳкама масжидининг 1871 йилги ижара битимлари ҳар йилда янгилаб туриш шарти билан ўттиз йилга тузилган⁶⁰. Бундай узоқ муддатли битимлар шаҳар ҳокими ёки қозилари ижозати билан амалга оширилган.

Ижарайи истехкор эса кўриқ ерларни узоқ муддатга ижарага олиш учун ижарайи тавиланинг бир шакли сифатида қўлланилган. Тадқиқот жараёнида ижаранинг бу турига оид биргина ҳужжат аниқланди. Хожакўча маҳалла масжиди мутаваллиси ва ижарадор ўртасида 1883 йилда тузилган ушбу битимда ижарадор ерни дарахт экиб обод қилиши, ижарачи вафотидан сўнг унинг ворислари қўлида қолиши, мутавалли ерни даъво қилмаслигига келишилган⁶¹. Битим Хайриддин Рамлийнинг (1585-1671) «Фатаво ал Хайрия» ҳамда Муҳаммад Обидин аш-Шомийнинг (1787-1836) «Таҳрир ал иборат» номли асарларидан келтирилган иқтибослар билан асосланган⁶². Шунингдек, диссертацияда ижарага берилган вақф мулклари турлари, ижара ҳаққи (*ажр ал-мисл*, *ажр ал-мусамма*) ва унинг тўланиш муддати, ижарадорларнинг ижтимоий таркиби ўрганилиб, хулосалар берилди.

ХУЛОСА

Диссертацияда Тошкент тарихий-маданий ҳудуди вақф хўжалигининг беш аср давомидаги ҳолати, анъаналари ва трансформация жараёни илк бор бевосита мавзуга оид бўлган 700 дан ортиқ ҳужжатлар асосида ўрганилди. Тадқиқот жараёнида Тошкент ҳудудига тегишли умумий ҳисобда 3000 дан зиёд тарихий ҳужжатлар, нарратив манбалар ва колониал давр архив материалларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўрта Осиёда вақф мулкчилигига бағишланган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бу мавзу яқиний хулоса ва аниқлик киритилишини кутган бир қатор масалаларга эга. Хусусан, вақф мулкчилиги шаклланиши ва ривожига таъсир ўтказувчи демографик ва табиий омиллар, шаҳар ва қишлоқлардаги минтақавий хусусиятлар, пул ва китоб вақфлари кабилар хануз мавзунинг илмий муаммоси сифатида шаклланмаган. Вақф институтини фақат диний қамровда тасаввур қилиш мумкин эмас. Аксинча, вақф мулкчилиги ободончилик, савдо, таълим тизими, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш каби қатор соҳаларни ривожлантирувчи омиллардан бири бўлган. Шу сабабли вақф муносабатларининг тилга олинган жиҳатларни ўрганмасдан туриб вақф ҳақида батафсил тасаввурга эга бўлиш имконсиз.

⁵⁹ ШҚМ. 59-йиғма жилд. 111-145-ҳужжатлар; ЎзРМДА. 125-фонд, 1-рўйхат, 489-иш. 2, 3-ҳужжатлар; Çizakça M. Awqaf in History and its implications for Modern Islamic Economies // Islamic Economic Studies. Vol. 6. – №1. 1998. – P. 58.

⁶⁰ ЎзРМДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 32663-иш. – 60, 63-варақлар.

⁶¹ ЎзРМДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 32663-иш. – 23-варақ.

⁶² Ҳар уч йилда битимни янгилаш шарти билан ўттиз йилга тузилган шартнома ижарайи истехкор сифатида баҳоланган. Хайриддин Рамлий. Фатово ал-Хайрия. 2-жилд. – Матбаъ ал-Кубро, 1300/1882-83. – Б. 122, 128.

2. Тошкент тарихий-маданий ҳудуди Чирчиқ ва Оҳангарон дарё ҳавзаларида юзага келган икки маъмурий бирликдан таркиб топган (X–XII асрларда Чоч/Шош ва Илоқ, XV–XVIII асрларда Шош/Тошкент ва Шохрухия, XIX асрда Тошкент ва Қурама). XVI–XIX асрлар давомида вақф хўжаликлари асосан Тошкент шаҳри ва Оҳангарон дарёси ҳавзасида ўсди. XIX аср иккинчи чорагидан Чирчиқнинг Сирдарёга қуйилиш ҳавзасида Чиноз қишлоғининг кенгайиши ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида минтақанинг бу қисмида ҳам вақф субъектлари ва объектлари шаклланди.

3. Вақф мулкчилигига оид тарихий ҳужжатларга келсак, Тошкент вақф хўжалиги мисолида ўрганилган ҳужжатлар уларнинг уч асосий тури – қонунчилик актлари (фармон, ёрлиқ, маншур, нишон, ҳукмнома, иноятнома, муборакнома), иш юритиш тизимига оид ҳужжатлар (буйруқ, ариза, рапорт, иттифоқнома, ҳисобномайи мутавали, шаҳодатнома, маълумнома, ижозатнома, рўйхат, тилхат) ҳамда қозихона ҳужжатлари (вақфнома, байи бот (байи жойиз), ҳукм, ривоят, хатти ижара, хатти иқро, хатти даъво, хатти ваколат, хатти ибро) кенг тарқалганини кўрсатди. Лекин ҳужжатларнинг тузилиши ва функцияси вақт ўтиши билан трансформацияга учради. Хусусан, тахминан XVI асрдан Ўрта Осиё дипломатикасида фатво ўрнига ривоят ҳужжати юзага келди. У функцияси ва муомала майдонига кўра ўз прототипи

фатводан кўра кенг қамровли эди. Колониал даврда қонунчилик актлари Туркистон ўлкасида вақф муносабатларига оид тарихий ҳужжатлар таркибидан чиқиб кетди. Унинг ўрнига қозихоналар ва маъмурий иш юритиш тизимида колониал маҳкаманинг бюрократик тизимида янги ҳужжатлар юзага келди ёки трансформацияга учради.

4. Тошкент вақф хўжаликларининг мўғуллар истилосидан аввалги даврдаги фаолияти ва уларнинг тарихий ҳужжатлари номаълум. Темурийлар даврида Хожа Аҳрор вақф мулкларидан ташқари, Бобо Мочин ва Шох Абдумалик бобо мазорлари ҳам вақф мулкларига эғалик қилган. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврига келиб мазкур уч вақф хўжаликлари янада кенгайди. Бу даврда яна XII–XVIII асрларда Тошкент ҳудудида яшаб ўтган тасаввуф намояндаларининг мазорларининг авлодий вақфлари (Шайх Зайниддин бобо, Шох Амир Фуқаро валий, Шох Мир Ҳай вали, Саййид Мирак валий, Бобохон ота, Парпи ота), Кўкалдош мадрасасининг хайрий вақфи ҳамда бир қатор авлодий вақфлар (Саййид Муҳаммад, Назарбий, Муҳаммад Исо) юзага келди.

5. XIX асрдан бошлаб вақф хўжаликларининг ортиши аввало бир қатор демографик омиллар билан боғлиқ. Хусусан, Пскент, Паркент каби ўрта аср қишлоқлари қаторида кейинчалик гавжумлашган Чиноз, Занги ота, Тилав, Керовчи, Облиқ, Тама, Тўйтепа каби аҳоли манзилгоҳларида янги вақф хўжаликлари юзага келди. Тошкент шаҳрининг кенгайиши ва аҳолининг ортиши натижасида эски масжид ва мадрасалар таъмирланди, янгилари бунёд этилди. Бу ўз навбатида янги вақф хўжаликлари ва уларнинг мулклари шаклланишига замин яратди. Юқори табақа вакиллари асос солган йирик

вақф мулклари қаторида оддий аҳолининг ўрта ва кичик вақф мулклари кўпайди.

6. Ўтган беш юз йил давомида Тошкентдаги вақф мулкчилиги бир қатор ўзгаришларни бошидан кечирди. Дастлабки даврда юқори табақа вакиллари томонидан бутун қишлоқлар ёки катта ўлчамдаги экин ерлар вақф қилинган бўлса, XIX асрдан бошлаб савдо-хунармандчилик дўконлари ва уларнинг ўринларини вақф қилиш оммалашди. Ўз навбатида вақф қилинадиган ерлар табиий равишда майдалашди. Фикримизча, бу йирик вақфларнинг асосий манбаси бўлган янги ерларни ўзлаштирувчи давлат структурасининг ишламаслиги ва катта ерларни вақф қилувчи табаканинг йўқолиши сабабли юз берган. Вақф муносабатларининг бундай ривож Туркистон ўлкасида янги қонунлар ўрнатилган 1867 йилдан сўнг янада кучайди.

7. Тошкент вақф хўжалигида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва маҳаллий уламоларнинг қарашлари таъсирида шаклланган бошқа минтақалардан ажралиб турувчи жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Байи жойиз амалининг вақф муносабатларида қўлланилмаганини, вақфи авлодий тури, пул вақфлари ва аёл воқифларнинг камлигини Тошкент вақф мулкчилигининг

регионал хусусияти сифатида кўрсатиш мумкин.

8. 1867 йилдан кейин вақф соҳасидаги ислохотлар бу тизимдаги кўп асрлик анъаналарни издан чиқариб юборди. Аҳоли яшайдиган ерлардаги вақф мулклар ҳуқуқининг бекор қилиниши ҳамда давлат фойдасига тўланадиган солиқларнинг жорий қилиниши оқибатида ижарадорлар ва вақф маъмурияти ўртасида жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Мутавалли сайловининг жорий қилиниши эса вақф маъмуриятининг ички тизимида ҳам турли зиддиятларнинг авж олишига сабаб бўлди.

Тадқиқот якунида қўлга киритилган илмий хулосалар асосида қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар билдирилди:

– тарихий ҳужжатлар Ўзбекистонда давлатчилик тарихини ўрганишда муҳим ҳуқуқий-тарихий манба эканлигини эътиборга олган ҳолда уларнинг каталогларини нашр қилиш ёки қисқа маълумотлар базасини яратиш орқали илмий муомалага киритиш лозим;

– Ўрта Осиёда вақф мулкчилиги анъаналари ва унинг ҳудудий хусусиятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун уни кенг минтақалар бўйлаб, айниқса эътибордан четда қолаётган Хоразм воҳаси, Сурхандарё Қашқадарё минтақаси, Фарғона водийси, шунингдек қўшни республикалардаги қадимий шаҳарлардаги ҳолатини қиёсий ўрганиш талаб этилади;

– Тошкент шу жумладан, Республика ҳудудида жойлашган архитектура ёдгорликлари тарихини ўрганиш ва таъмирлаш ишларида уларга тегишли тарихий ҳужжатлар тадқиқига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

СУЛТОНОВ УКТАМБЕК АБДУЛГАНИЕВИЧ

**ТРАДИЦИИ, РЕФОРМЫ И ПРОБЛЕМЫ В ВАКФНОМ ХОЗЯЙСТВЕ
ТАШКЕНТА (НА ОСНОВЕ ИСТОРИЧЕСКИХ ДОКУМЕНТОВ XVI –
НАЧАЛА XX ВВ.)**

07.00.07 – Историография, источниковедение и методы исторических исследований

АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ

Ташкент – 2016 год

31

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за 30.09.2014/В2014.3-4.Tar32

Докторская диссертация выполнена в Центре восточных рукописей им. Абу Райхан Беруни при Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский) размещен на веб-странице Научного совета (<http://ik-tarix.nuu.uz>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант: Бабаджанов Бахтиёр Мираимович

доктор исторических наук

Официальные оппоненты: Исхаков Мирсодик Мирсултонович

доктор исторических наук, профессор

Агзамова Гулчехра Азизовна

доктор исторических наук

Флориан Шварц

доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский исламский университет

Защита диссертации состоится «___» «_____» 2016 года в ___ часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук 14.07.2016. Таг.01.06 при Национальном университете Узбекистана, Координационно-методическом центре по вопросам новейшей истории Узбекистана, Институте истории, Каракалпакском научно-исследовательском институте гуманитарных наук, Центре восточных рукописей при Ташкентском государственном институте востоковедения (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университет, 4. Главное здание, 2 этаж. Зал заседаний. Тел.: (99871)227-12-241; факс: (99871)246-53-21; (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Национальный университет Узбекистана).

С докторской диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №___). Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университет, 4. Главное здание.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2016 года.

(протокол рассылки за №_____ от «___» _____ 2016 года)

А.А. Маврулов

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук
д.и.н., профессор

Х.Э. Юнусова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.и.н.

С.Б. Шадманова

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученой степени доктора наук, д.и.н.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в процессе интеграции мирового сообщества Узбекистан признан как одна из колыбелей мировой цивилизации. После достижения независимости Республики Узбекистан особое внимание было уделено изучению истории национальной государственности, а также культурному и духовному

наследию. Еще одна важная сторона вопроса состоит в том, что ислам (прежде всего, в культурном и историческом понимании) на протяжении более чем тысячелетней истории в регионе, укоренился в ценностях и традициях нашего народа. Как справедливо подчеркнул И.А. Каримов «... мы не можем представить нашу нацию вне этой священной религии. Религиозные ценности, исламские понятия настолько глубоко укоренились в нашей жизни, что без них мы потеряем свою самобытность»⁶³. Одной из таких исторических ценностей и традиций является институт вакфа, который был ликвидирован в Узбекистане в 1928 году. Однако вакф должен изучаться и исследоваться в качестве историко-культурной ценности, традиции и неотъемлемой части нашего прошлого. Поскольку государственность, образование, социальная защита, благоустройство городов, сельское хозяйство и экономическая система в истории Узбекистана были непосредственно связаны с вакфным землевладением.

Исследование истории Узбекистана на основе первоисточников является одной из важнейших задач современной исторической науки. Согласно Постановлению ПП-2204 Президента Республики Узбекистан от 8 июля 2014 года «О мерах по дальнейшей оптимизации структуры Академии Наук Республики Узбекистан и укреплению интеграции академической науки и высшего образования республики» на базе Института востоковедения АН РУз был создан Центр восточных рукописей им. Абу Райхана Бируни при Ташкентском государственном институте востоковедения⁶⁴. В постановлении, наряду с восточными рукописями, особое внимание уделяется исследованию и введению в научный оборот исторических документов. Это, конечно, имеет свое основание, ибо исторические документы, сложившиеся в нескольких десятках разновидностей, считаются важными историко-юридическими источниками по изучению государственности в прошлом, социально-экономических отношений и вопросов культурной и духовной жизни.

Признание Ташкента «Центром исламской культуры» со стороны ЮНЕСКО в 2007 году, а также Постановление ПП-828 Президента Республики Узбекистан от 2 апреля 2008 года «О подготовке и проведении 2200-летнего юбилея города Ташкента»⁶⁵ вывели исследования, посвященные

⁶³ Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда ва юрагимизда. «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволлариға жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 5.

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами. 2014 йил, 32-сон. 396-модда.

⁶⁵ Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссасининг юксак эътирофи. Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган

истории Ташкента, на новый уровень. Это, в свою очередь, поставило перед историками задачи по введению в оборот новых источников по теме и освещению нераскрытых сторон истории Ташкента.

Именно с этой точки зрения исследовательская работа, отраженная в данной диссертации, служит реализации задач, обозначенных в

вышеназванных нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике: I «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁶⁶. Исследования по вакфному землевладению в Средней Азии проводились в ряде ведущих научно-исследовательских центрах мира, в том числе, в Департаменте языков и литературы Ближнего Востока Нью-Йоркского университета и Департаменте исследований Ближнего Востока Принстонского университета (США), в Институте исламоведения университета Мартина Лютера и на Семинаре по востоковедению и исламоведению Рурского университета г. Бохум (Германия), Департаменте Азиатских исследований университета Отемон-Гакуин (Япония), Департаменте Цивилизаций Ближнего и Среднего Востока университета Торонто (Канада), Институте иранистики при Академии наук Австрии (Австрия), Центре восточных рукописей и Институт истории (Узбекистан).

В результате этих исследований был получен ряд важных выводов: проанализированы экономические и социальные основы вакфного хозяйства Ходжа Ахрара (1404-1490) (Департамент языков и литературы Ближнего Востока Нью-Йоркского университета, США); на основе вакфных документов выявлены особенности городской жизни и исторической топографии городов XVI–XVII вв. (Департамент исследований Ближнего Востока Принстонского университета, США); были выявлены особенности вакфных документов Бухары XIX –начала XX вв. (Институт исламоведения университета Мартина Лютера, Германия); выявлены причины бурного развития денежных вакфов Хивинского ханства (Семинар востоковедения и исламоведения Рурского университета Бохума, Германия); была раскрыта социальная роль вакфных имуществ, основанных Алишером Навои (1441- 1501) и Ходжа Мухаммадом Парса (1348-1420) и их место в развитии культурной и экономической жизни (Департамент Цивилизаций Ближнего и Среднего Востока университета Торонто, Канада); проанализирована традиция в составлении заключительных частей вакф-нама в Средней Азии (Департамент Азиатских исследований университета Отемон-Гакуин,

интервьюси // Халқ сўзи. 2007 йил, 23 февраль; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. 2008 йил, 4-сон, 223-модда; 11-сон, 618-модда.

⁶⁶ <http://www.nyu.edu>, <http://www.princeton.edu>, <http://www.uni-halle.de>, <https://www.ruhr-uni-bochum.de>, <https://www.otemon.ac.jp>, <https://www.utoronto.ca>, <http://www.oeaw.ac.at>

Япония); раскрыты причины социально-юридических проблем вакфного землевладения в Туркестанском крае (Институт иранистики при Академии наук Австрии, Австрия).

В рамках изучения истории вакфных хозяйств Средней Азии ведется ряд исследований по следующим приоритетным направлениям: раскрытие организационных основ в управлении вакфными хозяйствами; использование денежных вакфов; влияние вакфного института на развитие экономической и культурной жизни региона.

Степень изученности проблемы. Исследования проблем вакфных хозяйств логично будет разделить на два направления. Первое направление включает в себя работы по освещению теоретических проблем. Несмотря на то, что работы этого направления не посвящены непосредственно вакфным документам региона Средней Азии, однако они важны для освещения теоретических основ и обширных сравнений, в силу единой (ханафитской) богословско-правовой школы и географической близости регионов. В частности, в обширной статье Й. Крчмарика, посвященной вопросам вакфа в рамках ханафитской богословско-правовой школы, тема исследуется на основе работ крупных богословов-правоведов (*фукаха*) этого мазхаба⁶⁷. Исследование профессора Б. Йохансена о земельном налоге и вопросах аренды также охватывает вакфное землевладение⁶⁸. Другие исследователи, такие как Ф. Кёпрюлю, Й. Шахт, К.С. Энн Ламбтон, М. Гил, Н. Оберауэр освещали в своих работах формирование первых вакфных владений и их юридический статус⁶⁹. Кроме того, М. Шатцмиллер, А. Лайиш изучали разновидности благотворительных (*вакфи хайри*) и наследственных (*вакфи авлади*) вакфов⁷⁰, К. Вернер, Х. Гербер, М. Хоукстер — роль вакфов в общественной жизни городов⁷¹, Дж.Е. Мандавилл и М. Чизакча исследовали вопросы формирования денежных вакфов⁷².

Вторая группа исследований охватывает работы, посвященные ⁶⁷ Krcsmárik J. Das Waḳfrecht vom Standpunkte des Šari'atrechtes nach der ḥanafitischen Schule // Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft. Band 45. – Leipzig, 1891. Повторное издание: – Wiesbaden, Lessing Druckerei, 1968. – S. 511-576.

⁶⁸ Johanson B. The Islamic Law on Land Tax and Rent: The Peasants' Loss of Property Rights as Interpreted in the Hanafite Legal Literature of the Mamluk and Ottoman Periods. – London-New York-Sydney, 1988. – 143 p. ⁶⁹ Köprülü F. Vakıf müessesesinin hukukî mahiyeti ve tairhî tekâmülü // Vakıflar dergisi. Sayı II. – Ankara, 1942. – S. 1-33; ; Schacht J. Early Doctrines on Waqf // 60. Doğum Yılı Münasebetiyle Fuad Köprülü Armağanı. – Istanbul, 1953. Повторное издание: – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basımevi, 2010. – P. 443-452; Lambton Ann K.S. Awqaf in Persia: 6th–8th/12th–14th Centuries // Islamic Law and Society. 1997. – №4-3. – P. 298-318; Gil M. The Earliest Waqf Foundations // Journal of Near Eastern Studies. Vol. 57. No.2. 1998. – P. 125-140; Oberauer N. Early Doctrines on Waqf Revisited: The Evolution of Islamic Endowment Law in the 2nd Century AH // Islamic Law and Society. No 20/1-2. 2013. – P. 1-47.

⁷⁰ Shatzmiller M. Islamic Institutions and Property Rights: The Case of the «Public Good» Waqf // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Vol. 44. No 1. 2001. – P. 44-74; Layish A. The Family Waqf and the Shar'ī Law of Succession in Modern // Islamic Law and Society. Vol. 4. No 3. 1997. – P. 352-388. ⁷¹ Werner C. An Iranian Town in Transition. A Social and Economic History of the Elites of Tabriz, 1747-1848. – Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2000. – 419 p.; Gerber H. The Public Sphere and Civil Society in the Ottoman Empire // The Public Sphere in Muslim Societies. – State University of New York, 2002. – P. 65-82; Hoexter M. The Waqf and the Public Sphere // The Public Sphere in Muslim Societies. – P. 119-138.

⁷² Jon E. Mandaville. The Cash Waqf Controversy in the Ottoman Empire // International Journal of Middle East Studies. Vol.10. No 3 (Aug.). 1979. – P. 289-308; Çizakça M. Cash Waqfs of Bursa, 1555-1823 // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Vol.38. No 3. 1995. – P. 313-354.

очередь, с точки зрения подхода к вопросам изучения вакфа, эту группу можно разделить на четыре подгруппы: публикации колониального периода (А.Л. Кун, В.П. Наливкин, В.Л. Вяткин и др.), советской эпохи (П.П. Иванов, О.Д. Чехович, Р.Н. Набиев, Р.Г. Мукминова, З.А. Кутибаев, Г.А. Джураева, А. Шайхова), периода независимости (Г.А. Джураева, О. Жалилов, И.А. Алимов, С.Д. Болтабаев, Б.Б. Маллабаев и др.) и зарубежные публикации (Р.Д. МакЧесней, Е.М. Сабтелни, Джо-Энн Гросс, Ф. Шварц, П. Сартори, И. Кеньичи, Ф. Райхмут).

Соответствие темы диссертации с научно-исследовательскими работами научно-исследовательского учреждения, в котором выполняется диссертация. Диссертация выполнена в рамках фундаментального исследовательского проекта ФА-Ф1-027 «Изучение письменного наследия народов Центральной Азии: исследования по источниковедению и текстологии», реализуемого в Центре восточных рукописей им. Абу Райхана Бируни при Ташкентском государственном институте востоковедения.

Цель исследования является раскрытие традиции, изучение результатов проводимых реформ, а также причин ряда проблем в вакфном хозяйстве Ташкента на основе исторических документов XVI–XX вв.

Для решения указанной цели обозначены следующие **задачи исследования**:

- проанализировать и сделать общие выводы по исследованиям, касательно истории вакфных отношений в Средней Азии;
